

хаёлий хикоя

О, бу ёруг оламдаги хакикат нақадар дахшатли! Бу малак, бу маъсума, бу осмон – мустабид эди, калбимнинг чидаб бўлмас даражадаги шафқатсиз мустабиди, ситамгири эди! Агар буларни айтмасам, «зимга-зим тухмат қилган бўлман!» Сиз менинг севгимга ишонмаяпсизми? Шундай деб қим айта олади? О, бу шари-гавго, тақдир ва табиатнинг истехзога тўла шари-гавгоси эди! Бизга қарши теккан, одамзотнинг ҳаёти (жумладан меники ҳам) қарши остида қолган.

Ёзувчидан:

Одатдаги «Қундалиқ»* «р»нига бу сафар қисса ҳавола этаётганим учун «қувчилардан узр сўрайман. Ўтган ой чиндан ҳам асосан шу қисса билан банд бўлганим сабабли «қувчилар айбиситмай илтифот қиларлар деган умиддаман.

Энди хикоя ҳақида. Ҳаёлий деб атаганим билан «зим уни олий даражадаги ҳаётини хикоя деб ҳисобламайман. Аммо шу «ринда, айниқса, хикоя шаклида мавҳумлик борки, буни аввалдан изоҳлашни лозим деб топдим.

Гап шундаки, бу хикоя ҳам, қундалиқ ҳам эмас. Бундан бир неча соат илгари «з» зини деразадан ташлаб, жонига қасд қилган жувоннинг эри қандай ҳолатдалигини тасаввур қилиб қўлинг: стол устида хотинининг жасади. Эсанқираган эр хали ҳаёлини йиғиб ололмаган. У «ҳаёлини бир нуқтага жамлаш», содир бўлган воқеанинг маъносига етиш учун у хонадан бу хонага сарсари юриди. Қолаверса, ваҳима қасали, «зи билан «зи гаплашиш ҳасталиги ҳукм «тқаз» бошлаган. «зи билан «зи гаплашиб, «ё содир бўлган ходисани баён қиляпти, аслида эса воқеани «зи учун ойдинлаштиряпти. Гаплари, дастлаб изчилдай туюлса-да, бир неча ерда ҳам мантиқ, ҳам туйғу жихатдан қарама-қарши фикрларни айтади. «з зини оқлаб, уни айблади, алоқасиз баҳоналарни «р қач қилиб, тушунтиришга қаришиб қетганда юрак ва фикр тўтқоқлиги, айни чоқда, бунга зид «ларок туйғу чуқурлиги аён бўлади. Аста-секин воқеани «зи учун «ойдинлаштиради» ва «ҳаёлини бир нуқтага тўплади. Уйғонган бир қатор хотиралари уни охири-оқибатда ҳақиқатга олиб қелади: бу ҳақиқат унинг онги ва қалбини шубҳасиз юксакликка қўқаради. Хатто охирига бориб хикоя оҳанги бошланишидаги бетартибликка нисбатан анча «згаради. Ҳақиқат, ҳеч бўлмаганда шу безорининг «зи учун етарли даражада равшан ва аниқ юз очади.

Мавзу мана шу. Албатта, бир неча соат давом этадиган хикоя жараёнида узук-юлуклик ҳам, оралатиш ҳам, пойма-пойлик ҳам учрайди: дам у «зига-«зи гапиради, дам «ё қўлинг тингловчига, қандайдир ҳақамга мурожаат қилади. Умуман ҳаётда ҳамиша шундай бўлади. Агар унинг гапларини стенограф яширинча эшитиб, ёзиб олганда эди, мен тавсия этаётган хикояга нисбатан тўтқоқроқ, гадир-будурроқ баён юзага қелиб, рухий тартиб эса «ша-«ша қолиши мумкин эди. Стенограф ёзиб олган (мен эсам қайта сайқал берган) деган фаразим хикоянинг мавҳумлигини, ҳаётининг ташкил этади. Зеро, бу ҳол санъатда илгари ҳам учраган: масалан Виктор Гюго «қ лимга маҳкум

этилганнинг сўнги куни» деган дурдонасида қарийб шу усулни қўллаган, гарчи стенографни назарда тутмаган бўлса-да, ундан ҳам баттаррок тахминга - қўлимга махкум этилган одам фақат сўнги кунида эмас, хатто сўнги соати, дақиқасида ҳам кундалик ёза олади (ва бунга вақти етарли) деган ақл бовар қилмас фаразга асосланган. Агар бу мавхумликка йўл бермаганда эди, бу асар ҳам, у ёзиб қолдирган асарлар ичидаги энг ҳаётий, энг ҳаққон асарнинг қизи ҳам дунёга қолмаган бўларди.

МЕН КИМУ ҚУЙ КИМ ЭДИ

...Хозирча у шу ерда, менга бирмунча осонроқ, дам-бадам қелиб термуламан: эртага олиб кетишади - ёлғиз қоламан – унда холим нима қечади? У хозир қатта хонада: устига мовут қопланган карта қўйналувчи икки стол бирлаштирилиб қўйилган – у шу стол устида ётибди, эртага тобут қелади, оппоқ ёғочдан ишланган, оппоқ тобут: дарвоқе гап бу ҳақда эмас... Мен у хонадан – бу хонага юра-юра воқеани ойдинлаштирмоқчиман. Олти соатдан бери ойдинлаштираман дейман-у, ҳаёлимни бир нуқтага тўқлай олмайман. Фақат юраман, юраман, юраман... Воқеа бундай бўлган. Мен бир бошдан, тартиб билан (тартиб!) айтиб берай. Жаноблар, мен адабиётчи эмасман, буни қўзғигиз сезиб тургандирсиз, шундай бўлса ҳам, фахмим етганини айтиб бераман. Мени исқанжага олиб турган даҳшат ҳам шунда – ҳамма нарсага фахмим етади!

Агар билишни истасангиз, аниқроғи, бошидан бошлайдиган бўлсак, бу шундай гапки: яъниким, у “мураббия уйга қатнаб ҳам, бошқа ерга қўчиб бориб ҳам дарс бера олади...” хоқазо, хоқазо мазмундаги хабарни «Голос»да эълон қилиш учун етарли маблагга муҳтож бўлиб, буюмларини гаровга қўйгани қелган эди. Бу – воқеанинг муқаддимаси: мен уни аввалига бошқалардан фарқламадим ҳам: бошқалар қатори қелади, қетади. Кейинроқ, фарқлайдиган бўлдим. У ўртадан хиёл тикроқ, оқ-малла соқли, хипчагина эди: менинг олдимда қўнғайсизланганиданми, сал беқўшов ҳаракат қиларди (назаримда у бегонага рўпара қелганда ҳамиша шу ҳолга тушарди: чунки агар гаровчи эмас, оддий одам сифатида қаралса у учун, менинг бошқалардан фарқим йўқ эди). Пулни оларди-ю, шу захотиёқ орқасига қўйрилиб, жўнаб қоларди. Чурқ этиб оғиз очмасди. Бошқалар қўпроқ беришни талаб қилиб, талашади, тортишади, ялинади... бу эса... йўқ, овоз чиқармайди. Бергани олади... Мен қалғиб қетяпман шеқилли... Ҳа, мени энг аввало унинг буюмлари ҳайратга солди: тилла суви югуртирилган қумуш зирақ, тақиб юришга номус қиладиган, алмисокдан қолган медалён, ҳуллас, бир қақага қиммат буюмлар. Гаровга қўяётган нарқаларини ярим тангадан ошиққа бақоламаслиғимни қўзи ҳам қилади, аммо мен қўзларига қараб, буюмлар у учун бебақо эканини сезардим. Зирақ, медалёнлар ота-онасидан қолган ёдгорлиғини кейинроқ қилдим. Бир марта уни масқаралагандай бўлдим. Буни қўзим ҳам қутмаган эдим. Чунки, одатим бўйича, мен миқозларим олдида қўзимни сипо тутаман: мулоқимлик қилан, қам гапираман, аммо қилдийликни, қатъиятни йўқ қотмайман: «Қатъият, қатъият, қатъият!» - менинг иш услубим шунга асосланган. Бир қуни тўқсатдан у қуён терисининг қулиб-қулқилган эски

колдигини (ха, ха, айнан колдигини) келтиришга журъат килганда ўзимни тутолмай кандайдир аччик гап айтвордим. Вох, отагинам! ўша захоти лов этиб ёниб кетди. Кўларидан – катта-катта ўйчан, кўм-кўк кўларидан учкунлар сачрагандай бўлди. Шунда ҳам бир огиз сўз айтмади, «колдиги»ни олди-ю, чикди-кетди. Ана шунда мен илк бор бошка мижозларимдан фарқлаб, алохида кашф этдим ва у ҳақда бошқачарок, ха, айнан бошқачарок фикрга келдим. Хатто маълум таассурот ҳам уйгонди менда – унинг ёшлиги, жуда ҳам ёшлиги, худди ўн тўрт ёшли кизалокдай экани (холбуки, ўша дамда у учойи кам ўн олтида эди), таассуротим яхлитлигини ташкил этди. Дарвоқе, мен бу ҳақда гапирмокчи эмасдим, таассуротим бутунлиги ҳам бундан эмасди. У эртасига яна келди. Кейин билишимча, у мана шу бир парча тери билан Добронравовга ҳам, Мозерга ҳам йўлликкан экан: улар тилладан бошка нарсани гаровга олишмайди, шунинг учун бу киз билан гаплашиб ҳам ўтиришмабди. Мен эса ундан хатто накшин чиганок ҳам олиб колган эдим. Олишга олиб қолиб, кейин ўзим хайратга тушган эдим: мен – тилла ва кумушдан бўлак ҳеч нарсани гаровга қабул қилмайдиган одам, унинг алмисокдан колган накшин чиганогига пул берибман-а! Киз хақидаги иккинчи фикрим ўшанда уйгонган, аниқ эсимда.

Бу сафар у Мозерникида ишини битиролмай, яна менга бош эгиб келган эди. Хавасга ишланган мундштугининг кўриниши чакки бўлмаса-да, тилла билан муомала қиладиган биздай одамларнинг ўлчовида ҳеч нарсага арзимасди. Кечаги исёндан кейин яна келгани учун уни жиддий кийфада қаршиладим. Жиддийлигим – қурук никоб. Унга икки сўм узатаётиб, бир оз хаяжон билан гапиришдан ўзимни тутолмадим: «Мен фақат сиз учун шундай қиялман. Мозер бунақа нарсани сира олмайди». «Сиз учун» деган сўз маълум маъно англатсин деган мақсадда алохида ургу бердим. Шу гапдан кейин бир чимдим кулга айландим. У эса... «сиз учун»ни мен истаган маънода тушуниб, яна лов этиб ёнди, лекин индамади, камбагаллик нималарга мажбур қилмайди - пулни қайтариб ташламади, олди. Унинг лов-лов ёниши!.. Мен бир сўз билан игна санчиб олганимни сездим. У чиккач, тўсатдан ўзимни ўзим саволга тутдим: нахот унинг устидан қолиб чиқиб кетгани бахоси икки сўмгина турса? Хе-хе-хе! Аниқ эслайман: бу саволни икки қайта такрорладим: «Икки сўмми? Икки сўмми?» кейин қулимсираб саволга ўзим истаган, кўнглимни ийтадиган жавоб топдим. Жуда яйраб кетган эдим ўшанда. Аммо қабиланимнинг йўл кўрсаткичи эди: ўйлаб бир мақсад билан қармоқ ташлагандим: уни синамоқчийдим, чунки ҳаёлимда шу кизга тегишли айрим фикрлар беҳос ўралашиб юрарди. Бу у ҳақдаги учинчи алохида фикрим эди.

...Хуллас, ҳаммаси ўшандан бошланди. Табиийки, мен ҳар томонлама ўйлаб, сўраб-суриштириб, унинг қелишини жуда бетокатлик билан қута бошладим. Унинг тез орада қелишини кўнглим сезган эди. У қелгач, бекиёс бир илтифот билан баодоб сухбатга берилдим. Менга дурустгина тарбия беришган, керак маҳалда муомалам билан ҳамсухбатимни ром қила оламан. Хм... ана шунда мен унинг ниҳоятда меҳрибон ва мўъмин эканини англадим. Меҳрибон ва мўъмин кизлар кўп қаршилиқ қўрсатолмайдилар, майлларини буткул бериб қўймасалар-да, сухбатга чап бериб кетолмайдилар: гапга ҳасис бўлганлари билан саволингизга қиска-қиска жавоб берадилар. Савол қанча кўп бўлса, ўзининг шўрингиз – жавоб борган сари қисқараверади. Шубҳасизки, у ўшанда менга бор гапни тушунтирмади. «Голос» хақида ҳам бошка масалалар хақида ҳам мен кейинроқ билдим. У сўнги умидда бор буд-шудини

гаровга кўйиб, газеталарда кайта-кайта эълон берарди, дастлаб, табиийки, бир оз такаббурлик билан бошлаган эди: яъники, «мураббия, бошка ерга кетиши хам мумкин, шартлар хат оркали маълум қилинсин» кейин: «хамма нарсага розиман: қитишга хам, надималикка хам, уй-рўзгорга карашга хам, хасталарни боқишга хам қўнаман, тикишни биламан...» хоказо, хоказо. Бу ёғи маълум... Бу гаплар эълонларга бирин-бирин қўшилиб, охири, пичок суякка такалганда хатто «маошсиз, факат ном эвазига» ишлашга хам қўнди. Шунда хам жой тополмади! Шунда мен уни сўраганим марта синамокчи бўлдим: бугунги «Голос»ни олиб эълонни қўрсатдим: «Хеч кими йўқ жувон, ёш болали оилада мураббиялик қилиши мумкин, кексарок бева эркакникида бўлса яна яхши. Рўзгор ишларини енгиллатиши мумкин».

- Мана қўрдингизми, эълон эрталаб чикди, кечгача жой топади. Эълонни шунака ёзиш керак!

У яна лов этиб ёнди, қўзларида учкун чакнади, шарт қирилди-да, чиқиб кетди. Бу иши менга жуда-жуда ёқди. Колаверса, мен энди қўрқмасдим, ниятимга етишимга амин эдим: мундштуги қўлдан кетган. Учинчи куни ранги оқарган, саросимага тушган холда келди – уйда бир гап бўлганини тушундим, дархакикат, бўлган экан. Нима гаплигини хозир айтаман, аввал башанглигим билан қўзи олдида қандай қад ростлаганимни эслатай. Ха, бирдан менда шунака ният пайдо бўлди. Гап шундаки, у икона олиб келди (журъатни қаранг!). Ха, эшитинг! Эшитинг! Қўшанда бошланди хаммаси, мен эса боятдан бери чалгияпман. Гарангсишимнинг боиси, мен хар бир майда-чуйдани, хар бир чизикчани эсламокчиман. Хаёлимни бир нуктага тўпламокчиман – эпллмаяпман, бу чизикчалар, чизикчалар...

Биби Марьям иконаси. Ҳақда қўтарган Биби Марьям – уй тўрига қўйилдиган, қадимий, накшлари тилла суви югуртирилган қумушдан ишланган икона – нархини олти сўм атрофида баҳолаш мумкин. Иконанинг кадрли эканини билиб турибман, у Биби Марьям тасвирини зарҳал накшидан чиқармай узатди. «Накшинкор қопламани чиқариб, Биби Марьям тасвирини олиб кетаверинг, хар холда икона икона-да...» - дедим.

- Иконани олиш мумкин эмасми?

- Гап мумкин ё мумкин эмаслигидамас, балки у қўзингизга...

- Майли, чиқарақолинг.

- Биласизми, мен чиқармайман. Хов анави ерга, санам кутиси ёнига қўйиб қўяман, - дедим бир оз қўйлагач, - бошка иконалар билан жинчирок ёнида (дўконни очишим билан жинчирокни ёқиб қўйиш одатим бор) туради. Иконанинг шу туришига қўн сўм оласиз.

- Қўн сўм керак эмас. Беш сўм етади. Мен пулингизни тўлаб, албатта қайтариб оламан уни.

- Қўн сўм керакмасми? Икона шунчага арзийди, - дедим.

Бу гапдан кейин кизнинг ёнганини сездим. У гапирмади. Мен ичкарига кириб беш сўм олиб чикдим.

- Сиз ҳеч кимдан нафратланманг, мен ҳам бу исканжани татиб кўрганман, ахволим баттарроқ эди. Гаровчи бўлиб қолишим... ўша азоблардан кейин...

- Ўзингизни жамиятдан оляпсизми? А? – деган аччиқ кесатик билан гапимни бўлди. Истехзосида ҳам маъсумалик бор эди (у мени бошқалардан фарқлай олмас эди, шу сабабли айтган гапи заррача айбли эмасди). «Ха! – деб ўйладим, - янгича йўналишдаги феълнинг бор экан-ку, охири фош қилдинг-ку!».

- Биласизми, - дедим ўша захоти унга жавобан ярим хазил, ярим сирли охангда, - «Мен ёвузлик максидида уруг сочиб, яхшилиқ меваларини етиштирувчилар бўлагининг бир заррасиман».

У эҳтирози билан, хатто болаларча кизиқиш билан ялт этиб менга каради.

- Тўхтанг... бу кимнинг фикри! Каердадир эшитганман.

- Бошингизни котирманг. Мана шу гаплар билан Мефистофель Фаустга ўзини таништиради. Фаустни ўқиганмисиз?

- Ўқиди... ўқиганману, сал беэътиборроқ....

- Аниқроғи, умуман ўқимагансиз. Албатта ўқиб керак. Лабларингизда яна истехзо кўряпман. Сиздан илтимос, мени жуда дидсиз деб ўйламанг, гаровчилигимни яшириш учун ўқимни Мефистофелдай кўрсатмоқчи эмасман. Гаровчи гаровчилигича қолади. Биламиз...

- Кизик экансиз... Бу гап хаёлимга ҳам келгани йўқ.

У “билимдон эканингизни кутмаган эдим”, демокчи эди, лекин айтмади, айтмаса ҳам хаёлидагини ўқидим: мен унинг кўнглини топган эдим.

- Хар сохада ҳам, - таъкидладим мен, - яхшилиқ қилиш мумкин. Мен ўқимни назарда тутаяётганим йўқ, менинг кўлимдан ахлоқдан бўлак иш келмайди, лекин...

- Албатта, ҳамма ерда яхшилиқ қилиш мумкин, - деди у менга яшин тезлигида нигоҳини ташлаб. – Айнан ҳамма ерда, - деб яна таъкидлаб кўйдим.

О, эсимда, хар бир дақиқа эсимда! Яна бир нарсани қистириб кетишим керак: бу ёшлар, бу дилбар ёшлар қанақадир ақлли, галати фикр билан сугорилган гапни айтмоқчи бўлишса бирданига чехралари хаддан ташқари самимият ва соддалик нурига тўлади: «мана, мен сизга ақлли ва нодир фикрга тўла гап айтдим» - йўқ, бошқалар қаби манманликдан пайдо бўлмайди бу нур (асло!), у айтганларини беҳад қадрлайди ва унга ишонади, авайлайди, сиз ҳам худди шундай авайлайсиз деб ўйлайди. О, самимийлик!

Мана шу билан голиб чикишади-да! Киздаги самимийлик эса гоят ёкимли эди.

Ёдимда, ҳеч нимани унутганим йўқ! У чикиб кетгач, узил-кесил хал килдим. Ўша куниёқ у ҳақдаги колган маълумотларни миридан-сиригача билишга киришдим. Билиб олдим ҳам. Аввалги маълумотларни уларникида хизмат килган, бир неча кун бурун арзимас пулга сотиб олганим Лукерьядан эшитган эдим. Янги маълум бўлган сирлар шу қадар дахшатли эдики, бу ахволда қандай қилиб қулиш мумкинлигига, ўзи дахшатли бир ахволда бўлганим қандай қилиб Мефистофель сўзларига қизиқиши мумкинлигига ҳали-ҳали аклим бовар қилмайди. Ёшлиқнинг қудратими бу! Мен у ҳақда айнан шуларни ҳам гурур, ҳам шодлик билан ўйладим, чунки бу ерда яна олижаноблик ҳам бор-да: ўзи ҳалокат чохида тургани холда, Гётенинг буюк сўзларидан қўзғалдириш нур порлапти. Ёшлиқда бир томчи бўлса-да, биздан тесқари томонга оғиб турса-да, олижаноблик бор. Мен уни, фақат уни назарда тутяпман. Энг муҳими ўшанда қудратимга мутлақо ишониб, унга ўзимники, сифатида қарадим. Мутлақо ишонган онларингизда бу фикр шахвоний маъно касб этаркан.

Менга нима бўлади? Шунақа эзмалик қилсам, фикримни қачон бир нуқтага тўқайман? Тезроқ, тезроқ, э, ҳудойим, ахир гап бошқа ерда-ку!

СОВЧИЛИК

Унинг сир-асрорини бир сўз билан айтадиган бўлсам: ота-онаси уч йил аввал ўлиб кетиб, бетайин ҳоллари қўлида қолган экан. Тўғрироғи, уларни бетайин дейиш озлик қилади. Бир ҳоласи бева, бири-биридан кичик олти боласи билан қолган, яна бир ҳоласи - қариқиз, қурумсоқ, расво хотин. Иккала ҳоласи ҳам расво. Қизнинг отаси чиновник ўтган, миридан-сиригача бўлган, дворянликка ўзи эришган одам экан. Қурумсоқ, ҳаммаси менинг қўйдамга. Қар ҳолда мен - юқори табақа вақилиман, ажойиб полкнинг истеъфодаги штабс-капитаниман. Насл-насабим тоза дворянлардан, бировга муҳтожлик ерим йўқ, ҳоқазо, ҳоқазо... қилаётган ишимга ҳоллари фақат эътибор билан қарашлари турган гап. Қолларига уч йил қўрилиқ қилган. Шунда ҳам имтиҳондан ўта олган, қўндалик меҳнат азобидан юлкиниб чикиб, имтиҳондан ўта олиш - унинг олижанобликка, юксалиққа интилишидан қўндалат эди. Ахир мен нима учун қўндалмоқчи эдим? Э, ўзим ҳақимдаги гапларга тўпураман, бу ҳақда кейин.. гап бу ерда эмас! Қолларининг болаларини ўқитган, тикадиганларини тиккан, оқир-оқибатда қиргина эмас, шу нимжонгина гавдаси билан эгилиб, қол ҳам ювган. Шу азоби эвазига... қолларининг қалтагидан боши қикмаган. Қалтак билан қаноатланмаган маразлар уни қотишгача қориб етишган. Тўфу! Ифлос тафсилотларни қўшириб қолдираман. Буларнинг ҳаммасини кейинроқ ўзи менга айтиб қорган. Унинг аҳолини йил давомида қўшни семиз баққол, оддий эмас, икки дўқони қор баққол обдан қўзатган. У аввалги икки хотинини ура-ура қўлдириб, энди ўқинчисининг илинжида эди. Ифлос қўнгли шу қизни тўсабди: "мўмингина, қамбағалликда ўқиди, етимларининг қамини еб қўланаман"... Қиндан ҳам етимчалари қор

эди. Элликни уриб кўйган бу баккол кизга совчи кўйиб, холалари билан тил бириктира бошлаган. Киз - дахшатда! Худди шу вақтда “Голос”га эълон бериш максидида менга йўликкан. Холаларига ялиниб-ёлвориб, йўлаб кўриш учун жичча вақт беришни сўради. Жичча вақт беришди, бошка бир дакика ҳам кўшишмади. Кулок-мясини еб юборишди: “Йўзимизга егулик нарса йўқ, текинтамоклардан безормиз...” Мен буларни билардим. Йўша куни эрталаб киз келиб-кетгандан кейин бир қарорда тўхтадим. Кечкурун баккол ярим сўмлик ширинлик олиб уларникига кирди: киз у билан бирга йўтирарди. Ошхонадан Лукерьяни чакиртириб, кизнинг кулогига шипшит, зарур гапим бор, дарвоза олдида кутаман, дедим. Килган ишимдан кўнглим тўлди. Умуман йўша куни йўзимдан -йўзим бехад мамнун эдим.

Дарвоза ёнидаёқ унга, Лукерья оркали чакиртирганимдан хайратга тушган кизга максидимни тушунтирдим: унинг ризолиги мен учун бахт эканини айтдим. Иккинчидан: бу ҳаракатимдан, дарвоза ёнида турган “хамма гапдан бохабар” одамнинг дангал таклиф қилишидан хайрон бўлмаслигини сўрадим. Алдамаётган эдим чиндан ҳам дангалчи эдим. Хе, тупурдим! Мен фақат тарбия кўрган одамнинг сиполиги билан эмас, энг мухими - янгича охангда гапирдим. Нима, буни тан олиш гуноҳми? Мен йўзимни-йўзим айбламокчиман, айблаяпман ҳам. Мен барчасига pro va contra* айтишим керак, айтаман ҳам. Мен бу дамни, кейинчалик ҳам роҳат билан эслар эдим, гарчи тентаклик бўлса ҳам, биринчидан, айтарли иктидорга эга эмаслигимни, хатто, хушфеълликдан узоклигимни, бир чакага киммат худбин (Бу ибора аниқ эсимда: кела-келгунча йўлаб топиб, кўнглим хотиржам бўлган эди), эканимни ва бошка масалаларда анчагина кўнгилсизликларга сабаб бўлишим мумкинлигини ҳеч қандай хижолатсиз, тараддудсиз, дангалига айтдим. Буларнинг бари йўзингизга маълум алфозда – алоҳида бир мағрурлик билан айтилди. Албатта, камчиликларимни олижаноблик ила маълум қилгач, «буларнинг йўрнига мана бу, мана бу яхшиликлар ҳам бор», деб фазилатларимни баён қилишга тушмадим – бунга фаросатим етарди. У дамда мен унинг ниҳоятда кўркаётганини кўриб турардим. Кўриб-билиб туриб, ҳеч нимани юмшатмадим, аксинча, баттар қучайтирдим: қорни тўққ бўлишини, хилма-хил либослар, театр зиёфатларга эса йўқ йўқлиги, орадан вақт йўқлиги максидимга эришгач, балки булар ҳам амалга ошиши мумкинлигини очик айтдим. Гапларимдаги қатъий оханг мени йўзига мафтун этарди. Шу ишга кўл урган эканман, яъни гаровчиликни бўйнимга олган эканман, бир максидим борлигини, бир шароит мажбур қилаётганини сўз орасида қистириб қўйдим. Шундай дейишга ҳақим бор эди: чинданам бир максид, маълум бир шароит тўқрайли эди бу юмушим. Тўқтанг, жаноблар, мен умрим бўйи бу юмушдан нафратланганман, нафсиламрини айтганда, йўз-йўзига сирли иборалар билан баён қилиш қулгили туюлса-да, «жамиятдан йўқ олишим» чин эди, чин эди, чин эди! Шу боис унинг эрталабки «йўқ олиш»им ҳақидаги қочирими йўқинсиз эди. Яъни, биласизми, агар мен унга тўқридан-тўқгри «Ха, жамиятдан йўқ оляпман» десам, хаҳолаб юборарди, умуман бу жавобим қулгили чиқарди. Бошка ёққа ишора қилиб, сирли ибора билан тасаввурни йўқирлаш мумкин экан. Ундан ташқари, бу пайтда мен ҳеч нимадан кўрқмас эдим: семиз бакколга нисбатан бўлсам йўқлигим ортиқлигини, дарвоза олдида халоскор сифатида қелганимни яхши билардим. Буни тушунардим. О, қабихликни одам аъло даражада тушунади! Бу қабихлик эдими? Қандай ҳукм чиқариш керак? Ахир йўша пайтдаёқ уни севмас эдимми?

Тўқтанг: химмат ҳақида шубҳасиз ярим оғиз ҳам гап айтмовдим: аксинча, о, аксинча:

«Мархамат нурига сиз эмас, мен йўриламман» - ўзимни тутолмай, буларни сўз билан ифодалаган эдим, юзининг бир учиб тушганига караганда, гапим телбанамо чиккан эди. Хуллас калом, узил-кесил галаба козондим. Тўхтанг, бу ифлосликларни эслаётган эканман, сўз нгги тўнгизлигимни ҳам ёдга олай: мен унинг рўпарасида турардим, бошимда эса хаёллар гувиллайди: бўйинг баланд, келишган эркаксан, одоблисан ва ниҳоят, мактанишдан ташкари, биб-бинойисан. Каллам шу гаплар билан банд эди. Лекин... лекин ҳўп дейишдан олдин, шу ерда, дарвоза ёнида узок ўйга толганини унутмаслигим керак. Шу кадар кўп, шу кадар кўп ўйладики, токатим ток бўлиб «Хўш?» деб юборишдан ўзимни тутолмадим. Шунчаки, «хўш!» эмас, киборларча «Хо-ош, нима дейсиз?» деб сўрадим.

- Шоширманг, ўйлаб олай...

Чехраси шу кадар жиддий эди-ки, ўйларини ўқиб олишим ҳеч гап эмасди! Аммо мен ундай қилмадим – кўнглим ранжиди: «Нахотки мен билан бакколни солиштириб, танласа», деб ўйладим. О, мен унда тушунмас эдим! Ҳеч нарсани, ҳеч нарсани тушунмасдим! Ёдимда, кетаётганимда Лукерья мени йўлда тўхтатди. «Ойимтиллага уйланаётганингиз учун худо сиздан мархаматини аямайди, жаноб, факат унга химмат қилаётганингизни айта кўрманг, у жудаям магрур киз» деди шоша-пиша.

Магрур эмиш! ўзим ҳам магрурларни ёктираман. Магрурлик қачон ярашади?.. бошқаларга нисбатан қудратлироқ эканингни билиб турганинг-да тўғрими? О, пасткаш, бесўнақай одам! О, мен қандай мамнун эдим. Ўша дарвоза ёнида мени хайрон қолдириб, узок ўйга ботиб турганда, хаёлига мана бу фикр келиши мумкинмиди: «Хамонки бахтсизлик у ерда ҳам, бу ерда ҳам бор экан, энг ёмонини танлаганим маъқул эмасми? Семиз бакколни танласам, маст холда тезроқ уриб ўлдириб, мени бу азоблардан биратўла қутқаргани дуруст эмасми!» Хўш? Нима деб ўйлайсиз, шу фикр хаёлига келиши мумкинмиди?

Ҳа, ҳозир ҳам тушунмайман, ҳеч нимани тушунмайман. Ҳозиргина икки бахтсизликдан энг ёмонини, яъни бакколни танлаши ҳақидаги хаёлга бориши мумкинлигини айтдим. Ўша пайтда у учун ёмонроғи қим эди – менми ё баккол? Савдогарларми ё Гётедан мисол қелтириб гапирадиган гаровчимми? Шу ҳам саволмиш! Саволга бало борми? Нимага тушунмайсан: жавоб стол устида ётибди-ку! Саволинг нимаси? Тупуриш керак менга! Ҳозирги гап мутлақо менда эмас. Дарвоқе, гап мендами, мендамасми, нима ахамияти бор энди. Мана шуни фахмлаб ололмаяпман. Ундан кўра ухлаганим маъқул. Бошим оғрияпти.

ОДАМЛАР ОРАСИДАГИ ЎЗИМ ХАМ ИШОНМАЙДИГАН ОЛИЖАНОБ

Ухлолмадим. Ухлаш қаяқда, бошим лўқиллайди. Буларнинг ҳаммасини, ифлосликларнинг барчасини англаб етгим келади. О, нопоклик! О, мен уни қандай ботқокдан чиқариб олдим! Ахир бунга тушуниши, илтифотимни қадрлаши лозим эди-ку! Менга турли хаёллар, айтилик, ўзимнинг қирқ бирда эканим, унинг энди ўн олтига тўлгани ҳақидаги хаёл

жуда ёкарди. Мана шунга мафтун эдим, тенгсизлик хисси ширин эди, ох, жуда ширин эди.

Мен, мисол учун тўйни а Langlaise* факат иккаламиз ва яна икки гувоҳ иштирокида (гувоҳларнинг бири шубхасиз Лукерья бўларди) килиб, ўша захоти вагонга ўтириб Москвагами (айтмоқчи, воқеа ўша ерда бўлган), бирон меҳмонхонагами жўнаш ниятида эдим. У қаршилиқ билдирди, руҳсат бермади ва мен холалари хузурига қиз узатувчи қариндошлар хузурига боргандай илтифот билан бордим. Ён босдим унга, холаларининг иззатини ҳам жойига қўйдим. Мен яна бу махлукларга юз сўмдан пул бердим, устига яна ваъда қилдим, шубхасиз, бу пасткашлиқдан озор чекмасин деб, унга лом-мим демадим. Пулни олгач, холалари ипакдек эшилиб қолишди. Сеп хақида тортишув бўлди: унинг ҳеч вақоси йўқ эди, ўзи ҳам ҳеч нимани хохламасди. Мен унга ҳеч ниманг керакмас, деб ишонтирдим, сепни ҳам бўйнимга олдим, мендан бошқа яна ким сеп қиларди? Қелинг, ўзим ҳақимдаги гапларга тупурайлик. Баъзи гоёларим билан уни ўша дамнинг ўзида таништиришга улгурдим, ҳеч бўлмаганда умумий жихатларидан бохабар бўлсин, дедим. Балки шошқалоклик қилгандирман? Энг муҳими, ўзини тутишга қанчалик уринмасин, у аввал бошиданок, бағримга муҳаббат билан отилиб кирди, кечалари қайтганимда қутиб олиб, хаяжон билан, шивирлаб (ажиб, боқира шивир билан) гўдақлигини, болалигини, уйларини, ота-онасини гапириб берарди. Аммо мен бу завқ оташини совук сув қўйиб совутардим. Менинг гоёям шундан иборат эди. Унинг хаяжонларига мен сукут билан жавоб қайтарардим, албатта, бу онда хайрихоҳлигимни яширмасдим... шунга қарамай, у иккимизнинг тамоман бошқа-бошқа эканимизни, менинг турган-битганим жумбоқ эканини тез фахмлаб етди. Мен энг муҳими, шу жумбоққа эътибор бердим. Балки шу жумбоқни ечиш учун ҳам мен бу тентакликни қашф қилган эдим! Даставвал қаттиққўллик – остона хатлаш билан шу қаттиққўлликни татиди. Хуллас, ўшанда мамнун юрган ҳолда ўзимга ҳос тартиб турларини яратдим. О, бу тартиб ҳеч бир эътиқадсиз, эътиқадсиздан яралди. Бошқача бўлиши мумкин эмасди, мен бу тартиб тўғриси шафқатсиз шароит талабига қўра яратдим, ахир ўзимни чўқитиб қўймасдим-ку. Тартиб ҳақиқатга зид эмасми. Йўқ, сиз охиригача эшитинг, одамга гуноҳ ортишдан олдин, сабабини билиш керак... Эшитинг!

Нима деб бошласам экан, тушунтириш жуда оғир. Ўзингни оқлашни бошласанг – тушунтириш оғир кечади. Биласизми, ёшлар қўп нарсадан, масалан пулдан ҳам нафратланади, мен эса, пулга муккамдан кетган эдим. Пул устига ўлигимни ташлаганим сайин – у нафасини ичига ютаверди. Катта қўзларини жовдиратиб қараб, тинглаб, оқибатда жим қолаверди. Ёшлар олижаноблар, аниқроғи яхши ёшлар ҳам олижаноб, ҳам шиддаткор, шунданми, сабр-тоқатсиз, сал нарсага лов этиб ёнишади-ю, нафратларини яширишолмайди. Мен эса қенгликни истардим, қенглик уругини унинг юрагига сепмоқчи эдим, таъбир жоиз бўлса, юрак қўзи билан қенгрок қарашга ўргатмоқчидим. Тубан бир мисол келтирай: хўш, мен қандай қилиб бундай феъл-атворли одамга гаров ҳазинамни тушунтира олардим? Шубхасизки, агар тўғридан-тўғри бу ҳақда гап бошласам, шугулланаётган юмушим учун узр сўрагандай бўлардим. Шунинг учун ўзимни мағрур тутдим, қарийб сукут билан гапирдим. Сукут билан гапиришга суягим йўқ менинг, бутун умрим сукут билан гапиришда ўтди, бошимга тушган мудҳиш савдоларни ҳам сукут билан енгдим. О, ахир мен қандай бахтсизликларни бошимдан кечирмадим! Мени қўрагимдан итариб, худди кераксиз матоҳдай иткитиб ташлашган эди, унутиб юборишган эди, буни ҳеч ким, ҳеч ким билмайди! Қутилмаганда бу ўн олти ёшли «ойимтилла» разил одамлар

тилидан мен хакилдаги ярамас гапларни эшитиб, хамма нарсадан хабар топдим, деб
йлабди, эзгуликлар одамнинг факат к крагидагина колганини эса фаххламабди. Мен
эса сукутни саклайвердим, айникса, у билан бирга б лганимда тилим тиш хатламасди.
Кечаги кунга кадар шундай давом этди. Нима учун «Ичимдагини топ», деб сукут
сакладим? Магрурлигим туфайли. Мен бу одам т грисидаги бор хакикатни, унинг
к нглидаги яширин эзгуликларни зи, тубан одамлар хикояси оркали эмас, балки зи
англаб етишини истардим. Уйимга бошлаб келар эканман, мен ундан т ла хурмат,
этибор кутган эдим. Мен унинг бошимдан кечирган азобларим эвазига тиз ч киб ибодат
килишини хохлаган эдим – шунга арзирдим. О, мен хамиша магрур б лганман, ҳеч қачон
ртамиёнага токат қилмаганман, ё хаммасига эришини ё хаммасидан бират ла воз
кечишни истаганман. Яримта бахтга токат қилолмаганим, яхлит, бутунига интилаганим
сабабли хам «зинг билиб ол ва кадримга ет» кабилида иш тутишга мажбур эдим. Ахир,
зингиз йлаб к ринг, агар мен унга тушунтиришни, айтиб туришни бошласам,
ялтоқлансам, хурмат қилишини с расам – гадодан нима фарқим қолади?.. Дарвоқе...
дарвоқе... нима учун мен буларни гапираётиман?

Тентаклик, тентаклик, тентаклик ва яна тентаклик! шанда мен унга ёшларнинг
олижаноблиги жуда г зал, аммо бир чакага арзимаслигини икки огиз с з билан очик ва
шафқатсизларча (шафқатсизлигимни таъқидлагим қолади) тушунтирдим. Нима учун бир
чакага қиммат? Шунинг учунки, ёшларга хаммаси осондай туюлади, олижанобликлари,
енгил к лга қиритилган, яъни хали аччик-чучугини татимай туриб, хаётдан олган
дастлабки таассуротлари асосида юзага қелган; вақти қелиб, меҳнат исқанжасига
тутишгач, ахволларини бир к рамиз. Арзон олижаноблик хамиша енгилтак б лади.
Хатто хаётини хам арзон-гаровга бериши мумкин – чунки қони қайнаб, қучи ошиб-тошиб
ётимди, к нгли г залликка қон-қанди билан интилади. Қани, огир ва соқин, қарангсиз,
хашамсиз, қийбатларга т ла, заррача шухрат қелтирмайдиган, аммо қурбонлик талаб
этувчи олижаноблик қасоратини олайлик-чи. Х ш, бу қасоратни татиб к ринг-чи,
й к-й к, рад этасиз . “Ер юзидаги барчадан номуслироқ б лганингиз қолда қамоатга
аблақ сифатида к рсатилган ёруғ юзли одам, қардасиз?” - дейишга ҳақлиманми? Ха!
Чунки мен бу қасоратни бир умр к тариб т тяман. У аввалига мен билан астойдил
бахслашди, кейин қим б ла бошлади, охири нақасини ютди, к лларини даҳшат билан
очиб тинглади. К ллари қатта-қатта эди... Шу аснода мен... мен унинг к лларида соқин,
ёқимсиз, ишончсиз бир қулгини к рдим. Ана шу қулгиси билан мен уни уйга олиб қирдим.
Т гророги, унинг бошқа қарадиган қойи й к эди...

НУКУЛ РЕЖАЛАР, РЕЖАЛАР

Шанда ким биринчи библиотека бошлади?

Хеч ким. Биринчи кадамданок биз бошланди. Мен уни каттиклик билан уйга етаклаб кирдим, девдим, аммо каттиклик билан илк одимдаёк биз юмшатдим, калликлик чогидаёк, гаровга буюм олиб қолиб, пул бериш билан шугулланиши тушунтирилган, у эса индамаган эди (Буни эслаб қолинг). Энг кизиги, бу ишга астойдил киришувди. Албатта, уй, жихозлар библиотека эди. Уйим икки хонали: бири катта зал, озгина кисминигина касса эгаллаган: иккинчиси ҳам кенг-мизин, ётар-турар жойимиз шу ерда. Жихозларимнинг мазаси йиллик, хатто холалариникидан ҳам хароброк. Шамчирокли иконам залда, касса ёнида: хонамдаги жавонда (калити менда туради) бир неча китоб ва гаровларнинг шартлари: яна тўрпак, стол, стуллар... Емок-ичмогимиз учун Лукерья учовимизга, мен уни оғдириб олган эдим, кунда кўп билан бир сўз ажратажагимни айтиб, «Уч йилда биз тизинг жамгаримиз керак, тежаб-тергашга мажбурман», деб тушунтирдим. У каршилик билдирмаган эди, шунда ҳам мен кўп харажатни кўпайтириб, бир сўзга биз тизинг деб белгиладим. Бунинг ёнига театр кўп шилди. Калликлик даврида театр деган гап йиллик деган эдим, бироқ кароримни биз згартириб, ойда бир марта борадиган, борганда ҳам юмшак билинликлардан жой оладиган бўлишим. Уч марта бирга бордик, «Мухаббат изидан кувиш», назаримда яна – «Сайроки кушлар»ни кўп рдик шекилли (о, тупуриш керак бунга, тупуриш!) жимгина бориб, жимгина кайтардик. Нима учун, нима учун илк кадамимиздаёк сукутни раво кўп рдик. Ахир дастлаб орамизда низо бўлмагани-ку? Сукут нимаси эди! Эсимда, у менга тез-тез кўп з кири билан караб кўп ярди, мен уни сезардим, сеза туриб баттар сукутга берилардим. Тўпгри, сукутга у эмас, мен жон-жаҳдим билан ёпишдим. У бир-икки марта биз зини тутолмай кучоклашга ташланганда ҳам совук муомаламни биз згартирмадим. Чунки унда уйгонган тўплкин дардчил, жазавали эди: менга эса унинг астойдил эъзозидан келиб чиқадиган чинакам бахт лозим эди. Мен ҳақ эдим: ҳар бир тўплкиндан кейин эртасигаёк орада низо чиқарди.

Тўпгрироги буни низо дейиш ҳам кийин. Чунки жанжалимиз ҳам сукутда биз тарди – унинг карашларида борган сайин «Исён ва мустақиллик»ка мойиллик кучаярди, аммо карашларини амалга оширишга ожиз эди. Ҳа, бу маъсума чехра кундан-кунга дагаллашарди. Ишонсангиз, ишонмасангиз, у мендан жиркана бошларди – мен буни яккол хис қилиб турардим. Баъзан ички тўплкинларини жиловлай олмай биз зидан кетишига шубҳа йиллик эди. Мисол учун айтсам, кечагина пол ювишдан боши чиқмаган ойимтилла ночорлик боткогидан кутулиб, бугун камбагаллигимдан бурнини жийирадиган бўлиб колди! Туриш-турмушимиз покиза, керак жойда хашамга ҳам биз рин бор, айтмоқчиманки, менинг уйимда кашшоклик эмас, тежамкорлик ҳукмрон эди. Мен илгарилари ҳам эрнинг саришталиги хотиннинг кўп нглини банд этади деб хисоблар эдим. У кашшоклигимни лаънатламас, балки тежамкорлигимни бахиллик хисоблаб, «аник максоди борлигини, катъий иродасини кўп рсатмоқчи», деб мендан нафратланарди. Театрдан кутилмаганда биз з воз кечди. Мазахли чимирилишлари бешбаттар кўп пайди... Мен эса сукутни кучайтирдим, сукутга биз р бердим.

Ахир биз зимни окламайман-ку! Бу ерда энг мухими карз кассаси. Илтифот қилинг: мен аёлнинг, айниқса биз н олти ёшида, эркакка бутунлай бўйсунмаслиги мумкин эмаслигини

билардим. Аёлларда оригиналлик йўқ – бу исбот талаб этмайдиган хакикат, хатто hozir хам бу мен учун исботсиз хакикат! Залда ётган бўлса нима килибди: хакикатни хакикат дейиш керак, бу ерда Милль* хам ожиз. Севучи аёл эса, о, севучи аёл эса, қўнгли майлини олган кимсанг барча камчиликларини, хатто ёвузликларини илохийлаштиради.

Ўша кимса ёвузликларини ювиш учун арзирли бахона топа олмайди. Аммо севучи аёл унга фатво топиб беради. Бу олийхимматлик, аммо оригиналлик эмас. Аёлни факат нооригиналлик бадном этади. Кайтарсам нима бўлибди, стол устини нимага имлаб қўрсатяпсиз? Стол устидаги оригинал демокчимисиз? О-о?..

Билиб қўйинг: унинг мухаббатига ўшанда амин эдим. Ахир бўйнимга осилиб олган эди-ку. Демак, севарди, аникроги севишни истарди. Ха, шундай эди: севишни истарди, мухаббатини изларди. Энг мухими шундаки, бу ерда у фатво топиб бериши лозим бўлган ёвузликнинг ўзи йўқ эди. Гаровчилигимни айтяпсизми? Буни хамма гапирди. Гаровчи бўлсам нима! Олижанобларнинг олижаноби шу ишни ўзига лозим қўрган экан, демак сабаби бор. Биласизми, жаноблар, гоёлар бор... Яъни биласизми, агар ўзга гоё айтилса, сиз билан ифода килинса жуда ахлоқона чиқади. Ўзимдан-ўзим уялиб кетаман. Нимага? Хеч нимага. Чунки биз ярамас одамлармиз, хакикатга чидамаймиз, агар гапимни ёлгон десангиз, билмадим, қандай одам эканмиз. Мен hozir «олижанобларнинг олижаноби» дедим. Кулгилими, лекин гапнинг чини шу! Ахир бу хакикат, яъни хакикатлар ичра энг олий хакикат-ку! Мен бу кассани очиш, ўзимни-ўзим таъминлаш истагига тўла хакли эдим: «Сиз мени четга суриб чиқардингиз, сиз одамлар, ха, сиз мени жирканч сукутингиз билан ораларингиздан хайдадингиз. Сиз томонга эхтирос ва шиддат билан интилишимга жавобан бир умрга ранж-алам кайтардингиз. Шундай экан, энди мен калин девордан тўсик килиб олишга, ўша ўттиз мингга тўлаб, Кримданми, жанубий сохилданми ер-мулк сотиб олиб, умримнинг қолган қисмини тоғларда, узумзорларда, энг мухими – сизлардан узокроқда, аммо сизларга кек сакламасдан, қўнглимдаги олий максадим билан, юракдан севучи аёлим билан, худо берса оилам билан, ён қўшиллардан ёрдамимни аямасдан яшашга тўла хакким бор». Яхши хамки бу гапларни энди овоз чиқариб ўзимга-ўзим айтяпман, агар илгарирок унинг қулогига қуйганимдами, бундан беъманирок иш бўлмасди. Менинг мағрурона сукутим хам, жимгина ўтиришларимиз хам айнан шундан. Ахир у тушуна олармиди? Ўн олти ёш – ёшликнинг биринчи погонаси – у менинг важ-карсонларимни, азоб-укубатларимни англашга қодир эмасди. Тўғрилик, хаётни билмаслик, болаларча арзон имон, «тўғри зал калблар» хусусидаги қўрқон рона тушунча, энг мухими гаров кассаси (Холбуки мижозларимга нисбатан ёвузлик қилмас эдим! Меъёридан ошиқча олиб қолмаслигимни ўзи яхши биларди, қўрган эди!) уни хакикатга олиб борувчи йўлларни така-так беркитиб ташлаган эди. О, бу ёруг оламдаги хакикат нақадар дахшатли! Бу малак, бу маъсума, бу осмон – мустабид эди, қалбимнинг чидаб бўлмас даражадаги шафқатсиз мустабиди, ситамгири эди! Агар буларни айтмасам, ўзимга-ўзим тухмат қилган бўлман! Сиз менинг севгимга ишонмаяпсизми? Шундай деб қим айта олади? О, бу шўри-гавго, тақдир ва табиатнинг истехзога тўла шўри-гавгоси эди! Бизга қарғиш теккан, одамзотнинг хаёти (жумладан меники хам) қарғиш остида қолган. Мен қаердадир янглишганимни тушуниб турибман-ку! Қаердадир мўлжални тўғри ололмадим. Хаммаси аник-равшан эди, режаларим хам осмон қаби покиза эди: «Қаттиққўл ва мағрур, бировнинг рухий таскинига мухтожлик йўқ, сукут билан азоб

чекиш». Шундай эди, алдамадим, сира алдамадим! Бунга кейинрок қ зи гувоҳ б қ лади, бунинг олижанобликдан эканини қ зи к қ ради (аммо, сезолмади), қачондир билса, олижаноблигимни қ н чандон ошириб бахолайди ва к қ лларини к қ ксига к қ йиб худонинг зорини килади». Режам шу эди. Лекин мен бу ерда ниманидир унутдим ёки ниманидир тушириб қолдирдим. Ниманидир амалга оширолмадим. Бас, етар бас! Энди қимдан узр с қ райман? Тамом б қ лди, тамом б қ лди – тан олиш керак. Э, одам, қаддингни тут, ерпарчин б қ лма! Айбдор сен эмассан.

- Х қ п, яхши, мен рост гапни айтаман. Хақиқат билан юзма-юз б қ лишдан ч қ чимайман: У айбдор эди, айбдор У эди!..

МАЪСУМАНИНГ ГАЛАЁНИ

Орамиздаги низо бундай бошланди: ҳеч қутилмаганда у пулни қ з хошига к қ ра берадиган, буюмларни меъёридан ортиқ бахолайдиган б қ лди, бу ҳам етмагандек, мен билан икки марта бахслашди. Ён босмадим. Шу пайтда оёғимиз остидан капитаннинг беваси чиқиб қолди.

Бева кампир медалъонни, яъни марҳум эрининг совғаси, демак, қадрли ёдгорликни олиб қелди. Қ ттиз с қ м бердим. Мингирлаб, арз-дод қилиб, буюмни асрашимизни илтимос қилди – асрамай нима қилардиқ. Хуллас, беш кундан кейин яна пайдо б қ либ, сакқиз с қ мга ҳам арзимайдиган билақузукка алмаштириб беришни с қ ради. Мен шубҳасиз, рад этдим. Қ шанда бу айёр кампир хотинимнинг к қ зида меҳр к қ рганми, харҳолда мен й қ гимда қелиб, муддаосига етди – у медалъонни билақузукка алмаштириб берибди.

Бундан хабар топишим билан қиска, аммо қатъий, ж қ яли гапимни айтдим. У т қ шак устида ерга қикилганча қ тирар, қ нг оёғининг учини қикиллатиб, қиламчани уриб-уриб к қ ярди (бу унинг маънодор ишораси) лабларида истехзо қотган эди. Шунда мен, овозимни мутлақо к қ тармасдан, пул меники эканини, ҳаётга қ з к қ зларим билан боқишга ҳаққим борлигини, уни уйга қаклиф қилганимда, ҳеч нарқани яширмаганимни хотиржам бир алфозда эслатдим.

У эса бирдан сапқиб турди, аъзойи бадани қитради, кейин – нима деб қ йлайсиз – депсина бошлади: шу қуриши ваҳшийликнинг қ зи эди, тутқанок эди, тутқаноғи тутган ваҳший эди. Мен қайратдан муз қотдим: бу қилиқни сира қутмағандим. Аммо қ зимни й қ қотмадим, ҳатто қимирламадим, қ ша хотиржам овозда бундан буён юмушларимга аралашиш ҳуқуқидан маҳрум этажағимни маълум қилдим. У башарамга қараб қуриб ҳаҳолади-да, уйдан чиқиб қетди.

Гап шундаки, менсиз уйдан чикишга унинг хаки йўк эди. Тўйдан олдинок шунга келишган эдик. Кун бўйи кайлардадир санкиб, кечкурун кайтди – чурк этмадим.

Эртасига эрталабдан яна гойиб бўлди, индинига ҳам. Кассани беркитиб, холалариникига бордим. Тўйдан кейин улар билан борди-келдини йигиштириб кўйган эдим. Остоналарини хатлашга мажбур бўлдим: бу ерга кадам босмабди. Холалари гапларимни диккат билан эшитиб, «Сизга хали бу ҳам кам», деб мазах килишдан тойишмади. Кулги бўлишимни билардим. Ўша захоти кичик холасига – карикизга юз сўм ваъда килиб, огдириб олдим, йигирма бешини нақд санаб бердим. Икки кундан кейин у уйимга хунук хабар билан келди: «Поручик Ефимович деган одам, сиз билан бир полкда хизмат килган офицер сувни лойкалатиб юрибди». Хайратда колдим. Бу Ефимович деганлари полкда менга нисбатан разиллик килгани етмагандай, бир ой мукаддам гаровга нарса кўйиш бахонасида кетма-кет икки марта уйимга беҳаёларча келиб, хотинимга шилкимлик килган эди. Ўшанда унга якинлашиб, муносабатларимизни унутмай, уйимга кадам босишга журъат этмаслигини айтгандим: иш бу даражага бориб етиши хаёлимга ҳам келмаганди, шунчаки суллох деб ўйловдим. Мана энди холаси хотинимнинг ўша суллох билан учрашув тайин килганини, бу иш уларнинг эски танишлари, полковникнинг беваси Юлия Семеновна рахнамолигида амалга ошганини маълум килиб турибди: «Хотинингиз ўшаникига катнаяпти».

Бу тафсилотларни кискартираман. Бу иш охир-окибатда менга уч юз сўмга тушди. Аммо икки кун ичида максадга эришдим: кўшни хонада туриб, кия очик эшикдан хотинимнинг Ефимович билан биринчи *rendez-vous** гувоҳ бўлиш, гапларни эшитиш имкониятини кўлга киритдим. Бу воқеага тайёргарлик кўраётган пайтимда, бир кун аввал, жуда киска давом этган, аммо мен учун ниҳоятда муҳим ходиса юз берди.

Кечкурун у ёқдан-бу ёқка юрди, тўшакка ўтирди, менга тикилиб, масхаралаб тиржайди, оёқ учларини кимирлатиб гиламчага тап-тап урди. Унга караб туриб, дафъатан калламга бир фикр урилди: ўтган ой давомида, тўгрироги ўтган икки хафта мобайнида феъл-атвори жуда ўзгариб кетди: кандайдир асовлик, хужумкорлик беҳаё дея олмайман, аммо бетартиблик, изтиробга мойиллик пайдо бўлди. Буларни сиртига чикармасликка ювошлиги сабаб эди. Изтироблари чегарадан чиккан бўлса-да, ўзини зўрлаб ушлаб тургани, бу учун ўзидан-ўзи хазар килаётганини сезмаслигим мумкин эмасди. Бунакалар бир кутурмасин, кутурса жиловлаб бўлмайди. Шунака пайтда улар айтадиган, куюшкондан чикиб кетадиган гапларни эшитиб, кулокларингга ишонмайсан. Калбан бузукликка одатланганлар эса, аксинча юмшатадилар, кабиҳликларини ҳам батартиб, илтифот билан юзага чикарадилар, ана шу разилликларида устунлик килиш даъвоси бўлади.

Ўша куни у асовлик билан арконни узди:

- Дуэлга чикишга кўрканингиз туфайли полкдан хайдаб юборганлари ростми? - деб сўради у кутилмаганда, кўзларида эса ўт чакнади.

- Рост, офицерларнинг қарори билан полкни ташлаб кетишимни сўрашди, унга қадар ўзим истеъфога чиқаман деб ариза берган эдим.

- Кўрок сифатида хайдашганми?

- Ха, улар шундай айб кўйишди менга. Лекин дуэлдан бош тортишимга сабаб кўроклик эмас. Менинг шахсимни ҳақорат қилишмаган холда дуэлга чақирсам бемаънилик бўларди. Мен уларнинг мустабидона қарорларига бўйсунмадим.

Билиб кўйинг, шу ерга келганда ўзимни тутолмадим, ўз хатти-харакати билан бундай мустабидликка, оқибатларини била туриб қарши бориш, ҳар қанча дуэлга чиқишдан кўрок жасорат, мардлик талаб қилади.

Мен ўзимни тута олмадим, шу гапларим билан гўё ўзимни оқлашга уриндим: унга эса худди шу - янада тиз чўкиб, хўрланишим керак эди. У газаб билан кулди.

- Уч йил Петербургда дайдиларга ўхшаб тиламчилик қилиб, биллиард столларининг тагида ётиб қолганларингиз, ростми?

- Мен Сеннада, Виземскийнинг уйида ҳам ётиб қолардим. Полқдан кейин жуда кўп ҳақоратли тушқун онлар бўлди, аммо руҳан чўкмадим, чунки қилгилгимни ўшанда биринчи бўлиб ўзим айблаган эдим. Тушқунлигим боиси, ўшандаги ахволимдан умидсизликка берилиш оқибатида ақлим ва иродамининг ожизланиб қолганидан эди. Буларнинг бари ортида қолди...

- О, сиз эндиликда кўзга кўринган одамсиз - пулдорсиз!

Яъни, бу гаров қассасига қилинган истехзоли ишора эди. Мен ўзимни кўлга олишга улгурдим. Унинг мени янада ҳақоратлашга олиб борувчи тушунтиришларимга қанқоқ эканини сездим - бунга эришишига йўл бермадим. Чорловчининг кўнгириги айни муддао бўлиб, залга чиқдим. Орадан бир соат ўтгач, у тўрт сатдан қийинди-да, уйдан чиқаётиб рўпарамда тўхтаб, шундай деди:

- Ҳар холда сиз булар ҳақида тўйдан олдин оғиз очмаган эдингиз?

Мен жавоб бермадим. У чиқиб кетди.

Хуллас, эртасига чўнтагимда тўппонча билан қия очик эшик ортида туриб тақдиримнинг қандай ҳал этилаётганига диққат билан қулоқ тутиб турардим. У ясан-тусанда ўтирарди, Ефимович эса унинг рўпарасида қийшангларди. Хўш, нима бўлди, ўзим сезмаган холда, нимани ўйлаган бўлсам (номусим ҳаққи гапираман буни), нимани кўнглим сезган бўлсам, қутган бўлсам ўша юз берди. Билмадим, тушунарли қилиб сўзлаётганми?

Бўлган воқеа мана бундай: эшик ортида туриб, уларнинг суҳбатига бир соат қулоқ тутдим, бир соат мобайнида олижаноб юксак хис-туйғу эгаси бўлган аёлнинг оқсуяқ мазҳабидан чиққан бузук, қалби нопок, бераҳм хайвон билан олишувига гувоҳ бўлдим. Бу маъсума, бу қамгап, бу содда жувон шунча гапни қаердан билади, деб хайратга тушдим. Оқсуяқларнинг севимли комедияларини тўқувчи зукко муаллиф ҳам бузук ишларга ҳиммат қамарини боғловчиларга нисбатан олий нафрат ва дўшвор қулғу уйғотувчи

бундай масхарали сахнани йлаб тополмаган бўларди. Унинг гапларида, сўзларида канчалар шукух, тезкор жавобларида канчалар тирлик, мулохазаларида канчалар хақиқат, айна чокда кизларга хос соддалик бор эди! Малъун Ефимовчининг севги изхорида, киликларида, гапларида жавобан кўзларида караб мазах килиб куларди. Муддаога осонлик билан, бир хуруждаёқ эришиш ниятида келган Ефимович унинг каршилиқ килишини кутмаган экан, дарров чўқди. Мен дастлаб унинг хатти-харакатини “Бузуқ, аммо окила мавжудотнинг нархини ошириш максидидаги ноз-фириги”, деб оддий ноз-карашмага йўйишим мумкин эди. О, йўқ, хақиқат куёш янглиг порлаб, шубхаларга ўрин бермади. Менга нисбатан бўлган гайритабиий ва шиддатли нафрати туйфайли, тажрибасиз бу жувон мана шундай учрашувга журъат килиши мумкин эди, аммо эркакнинг пинхона муддаоси сув юзасига калкиб чиккач, унинг кўзи очилди. Бу мавжудот қандай килиб бўлмасин мени хакоратлаш касдида бетокат тўлғониб, хатто бу балчиқдан ҳам хазар килмади, аммо бетартибликка чидам беролмади. Айнан уни, кўкрак сутидай покиза, бокира, олий максиди бор жувонни Ефимович ёки унга ўхшаш бирор бошка оксуяк махлук йўлдан оздира олармиди? Аксинча, у факат масхара бўлди. Хотинимнинг калбида бор хақиқат уйгонди ва газаб юрагидаги аччиқ истехзони юзага чиқарди. Кайтараман, бу масхарабоз охир-окибат бутунлай чўқди, тумтайиб олди, саволларга ҳам беҳуш жавоб кайтара бошлади, хатто тубанлик билан ўч олиш касдида хотинимни хакорат килиб кўймасин, деган кўрқув баданимга таркади. Яна такрорлайман, бу сахнани қарийб хайратсиз тингладим. Мен гўё таниш воқеага дуч келгандай эдим. Мен гўё у билан учрашиш ниятида йўлга чиққандим. Тўппонча олволганимга қарамай, мен ҳеч нимага ишонмай, хатто айбномаларга парво қилмай келдим - бу айна хақиқат. Шундай экан, мен уни бошқача тасаввур этишим мумкинмиди? Ҳўш, мен нима учун севдим, нима учун эъзозладим, нима учун уйландим унга? О, менга нисбатан нафратининг нақадар улуглигида, айна пайтда, ўзининг канчалар боқиралигида ўша онда амин бўлдим. Шартта эшиқни очиб, бу масхарабозликка чек қўйдим. Ефимович сапчиб тушди. Хотинимнинг кўлидан олиб, мен билан юришни сўрадим. Ефимович дархол ўзига келди, жаранглаб, яйраб кулди.

- О, илохий эр-хотинлик ҳуқуқига монелиқ қилолмайман, олиб кетинг, олиб кетинг! Аммо билиб кўйинг, - деди у изимдан, - олижаноб одамларнинг сиз билан олишуви беъманилик бўлса ҳам, аёлингиз ҳаққи хурмати хизматингизга тайёрман... Агар журъат қилолсангиз албатта...

- Эшитяпсизми, - дедим унга, остонада бир нафас тўхтатиб.

Уйга етгунча, йўл бўйи чурқ этилмади. Мен уни кўлтиклаб олган эдим, бунга қаршилиқ билдирмади. Аксинча, у беҳад хайратда эди, аммо хайрат пардаси уйга етгач кўтарилди. Уйга кириб стулга ўтириб, менга бақрайиб тикилди. Унинг рангида-ранг қолмаган эди: лаблари шу дамда истехзога мойиллик билан қимирилса-да, кўзларида олишувга даъват этувчи қатъийлик, улугворлик бор эди: назаримда дастлабки дақиқаларда тўппончадан отиб ўтиришимга қаттиқ ишонган эди. Аммо мен индамай тўппончани чўнтақдан чиқариб, стол устига қўйдим. У бир менга, бир тўппончага караб қўйди (тўппончанинг унга таниш эканига диққатингизни тортаман. Шу дўконни очганимдан бери ўқоғлик туради. Қассани очар чоғимда қатта итларни ҳам, Мозерга ўхшаб бақувват малайларни ҳам ушламасликка қарор қилдим. Мижозларимга эшиқни ошпаз хотин очади. Бирок бу

хунар билан шугулланувчи одам хар эхтимолга карши химоя чораларини қўйлаб қўймасабўлмайди. Шу сабаб тўппончам хамиша қўқлоглик туради. У уйимга келган дастлабки кунлардаёқ, тўппончага кизиқиб колди, сўраб-суриштирди, мен хатто тўппончанинг тузилишию курилишини тушунтириб бердим, хатто қўзи хам отиб қўриб, мўлжални бехато уришига ишонди. Буни унутманг). Унинг карашидаги қўрқувга эътибор бермай, ярим ечинган холда тўшакка чўзилдим. Соат қўн бирдан ошган. Мен қўлардай холдан тойган эдим. У жойида яна бир соатча кимирламай қўтирди, кейин шамни қўчириб, кийимларини ечмай девор томондаги диванга ётди. Биринчи марта бошка ётди – буни хам эслаб колдинг.

МУДХИШ ХОТИРА

Энди бу мудхиш бир хотира...

Барвакт уйгондим, хархолда хона ёруг, чамамда соат саккизлар бор эди. Фикрим тиниклашиб, бирдан уйгондиму қўзларимни катта очдим. У стол ёнида тўппонча ушлаган холда турарди. Уйғониб, караб ётганимни у сезмади. Бир махал тўппончанинг огзини менга тўгрилади. Қўзимни юмиб, қўзимни ухлаганга солдим.

У тўшагимга яқинлашиб, тепамда туриб олди. Мен хамма нарсани эшитиб, сезиб ётардим: хонада қўлик сукунат хукмрон, мен сукунатни хам эшитардим. Шу пайт титрок бир харакат сезилди - қўзимни тутолмай қўзларимни очдим. У тўгри менга, қўзларимга тикилиб турар, тўппонча эса қарийб чаккамга тиралганди. Қўзларимиз тўкнашди. Нигохлар тўкнашуви бир нафасдан ошмади. Қўзимни мажбурлаб қўзимни юмдим, энди нима бўлса хам, кимир этмайман, деб бор кувватим билан қўзимни мажбурладим.

Умуман баъзан шунака бўлиб туради, каттик ухлаган одам бирдан қўзини очади, ёстикдан бошини қўтаради, атрофга аланглайди-да, бир сония қўтмай хушидан кетгандай бошини ёстикка ташлаб, яна каттик уйкуга кетади, уйгонгандан кейин сўрасангиз, хеч нимани эсламайди. Нигохларимиз тўкнашиб, чаккамдаги тўппончани хис килиб, бирдан қўзимни чирт юмиб, каттик уйкудаги одамдай кимир этмай колганимда у ухлаётганимга, хеч нимани қўрмаётганимга аниқ ишониши мумкин эди, чунки уйгоқ одамнинг мен қўрганни қўриб, бу дакикада яна хотиржам қўзларини юмиб ётишига ақл бовар килмасди.

Ха, ақл бовар килмасди. Аммо у хакикатни билиши хам мумкин эди – бу фикр хаёлимга қўша захоти урилди. О, инсон онгининг самовий кудратига минг-минг офарин – ярим лахзада бошимни канча хаёллар, канча хислар тўлқини кезиб чикди. Демак, бу холда, хакикатни билиб, айёрона қўз юмиб ётганимни билган бўлса (буни сезардим), унда мен

Ўлимга тайёр эканим билан уни енгиб ташладим, энди кўли калтираши турган гап. Аввалги катъийлиги эндиги таассуроти билан тўкнашиб парчаланиши тайин. Чўккидагиларни кандайдир куч пастга, тубсиз жарга тортиб туради, дейдилар. Назаримда тўппончани кўлга олишга улгуриш – жуда кўп котилликлар ёки ўз-ўзининг жонига касд килишларга сабаб бўлади. Бу ҳам тубсиз жарлик, киялиги кирк беш градус, сирганмаслик мумкин эмас, нимадир сизни мукаррар тепкини босишга ундайди. Аммо ҳамма нарсани кўрганим, унинг кўлидан ўлим топишга ризо эканимни билиш уни бу кияликда тутиб кола оларди...

Сукунат давом этарди, бирдан чаккамга, сочларимга совук темир тегди. “Жон саклашингга имонинг комил эдимиз?” - деб сўрашингиз мумкин. Худо олдида жавоб бергандай сизга ҳам тўгрисини айтай: хеч кандай умидим йўқ эди, юздан бир имконият билан тирик қолишимнигина билардим. Унда ўлимга нима учун шай эдинг, дейсизми? У холда сиз ҳам бир сўрогимга жавоб беринг: суюкли махбубам чаккамга тўппонча тирагандан кейин менга яшашнинг нима кизиги колар эди? Бундан ташқари мен бутун вужудим билан бир нарсани аниқ хис қилиб ётардим: айна чоқда орамизда, кечаги кўрок билан, кўроклиги учун ўртоклари томонидан хайдалган ўша кўрок билан унинг орасида кураш, хаёт-мамот жанги борарди. Мен буни билардим, агар ухламаётганимни фахмлаган бўлса, у ҳам биларди.

Балки бундай бўлмагандир, балки ўша онда буларни ўйламагандирман, аммо булар фикрдан ўтмаса ҳам юз бериши лозим эди, чунки шундан кейин хаётимнинг хар бир соати шу хаёллар билан банд бўлди.

Энди сиз «нима учун уни ёвузликдан асраб колмадинг?»- деган саволни беришингиз мумкин. О, кейинчалик мен бу лахзани хар эслаганимда, эгим музлаб, бу саволни ўзимга-ўзим минг марталаб берганман. Унда калбим мавхум бир умидсизлик чохида эди: ўзим жон таслим қилардим, шу ахволда кимни кутқара олардим? Колаверса, бировни кутқариш истаги бўлганми йўқми, сиз қаердан биласиз? Нималарни хис қилганимни ким билиб ўтирибди.

Сезгиларимнинг жизганаги чиқарди... лахзалар ўтди, сукунат ўликлигича колди: у эса тепамда ҳамон тик турибди – бирдан ялт этган умиддан сескандим! Шошиб кўзимни очдим. У хонада йўқ эди. Ўрнимдан турдим: мен галаба қозондим – у умрбод маглуб бўлди!

Самоварнинг олдида бордим. Кайнок самовар одатда биринчи хонага келтирилиб, чойни хар сафар у қуйиб берарди. Мен жойимга жимгина ўтириб, у узатган чойни олдим. Беш дақиқалардан сўнг унга қарадим. У ҳам менга тикилиб турар, ранги кечагидан бешбаттар оқариб кетган эди. Бирдан қарашимни илгаб, рангсиз лабларида рангсиз истехзо, кўзларида журъатсиз савол назари пайдо бўлди. «Афтидан, билладими ё билмайдими, кўрқдими ё кўрқмадими деб хали ҳам иккиланяпти». Мен хотиржамлик билан ундан нигохимни олдим. Чойдан сўнг қассани беркитиб бозорга тушдим-да, темир қаравот билан парда сотиб олдим. Уйга қайтгач, қаравотни залга кўйиб, парда билан тўшиб кўйишни буюрдим. Бу қаравот унга аталган эди, аммо ўзига бу ҳақда оғиз очмадим. Шу қаравотни кўриб «ҳаммасини кўрганимни, ҳаммасини билишимни» сўзсиз англаганига

шубхам йўк. Тунда тўппончани одатдагидай яна стол устида колдирдим. У ўзининг янги тўшагига ётди: никох бузилди, у «маглуб этилган, аммо кечирилмаган эди». Тунда алахсирай бошлади, эрталаб эса иситмаси кўтарилди. У олти хафта ўрнидан турмай ётди.

МАГРУРЛИК УЙКУСИ

Лукерья уйимда бўлак яшамаслигини, бойвуччани дафн этгач, чикиб кетажагини хозиргина маълум килди. Тиз чўкиб, бир соат ибодат килмокчи эдим, беш дакикадан нарига ўтолмадим, ўйлаб ўйимга етолмайман, фикрларим хаста, бошим хаста – тавбанинг нима фойдаси бор, ибодат килдинг нима – килмадинг нима, барибир гунохкор бандасан! Яна ажабланарлиси шуки, сира уйкум келмаяпти, холбуки, огир, беҳад огир гам-ситамлاردан сўнг, дастлабки рухий портлашлардан кейин одамнинг уйкуси келади. Айтишларича, ўлимга махкум этилганлар сўнги тунда каттик ухлар эканлар. Табиатан шундай бўлиши керак, йўқса одамнинг иродаси дош беролмай синиши мумкин. Диванга ётдим, барибир ухлолмадим.

Мен, Лукерья, касалхонадан ёллаганим хамшира – уч киши бўлиб олти хафта мобайнида туну кун касалини бокдик. Пулни аямадим, аксинча унга сарф килгим келаверди. Доктор Шредерни чакириб, хар келишига ўн сўмдан тўладим. У хушига келгач, кўзига камрок кўринишга интилдим. Буларни баён этишимнинг нима хожати бор! У оёкка тургач, хонамдаги алохида стол ёнига охистагина якинлашиб, жимгина ўтирди. Бу столни касал ётганида унга махсус сотиб олган эдим. Чиндан хам икковимиз сукут сакладик. Тўғри, кейинрок гаплаша бошладик, лекин оддий мавзудан четлашмадик. Мен, албатта атайин эзмаликдан, ёйилиб гаплашишдан кочардим, унинг ортикча гап айтиб юбормаётганимдан хурсанд эканини хам сезиб турардим. Бу килиги менга табиийдек туюларди. «Узил-кесил маглуб бўлганидан бенихоя изтиробда, - деб ўйладим, - демак, ўтганларни унутиш, кўникиш учун имкон бериш зарур». Шу аснода сукут саклардик, аммо мен хар дакика ўзимни келажакка тайёрлардим. Назаримда у хам шайланарди, ўзи хакида энди нималарни ўйлаётганини билиш мени гоят кизиктира бошлади.

Яна бир гапни айтмасам, юрагим тошиб кетади: касал ётганида унинг тепасида туриб канча фиғон чекканимни, канча азобларга токат килганимни биров билмайди. Фиғонларим факат ўзимга маълум, хатто Лукерьянинг нолаларини хам калбимга яширганман. Мен унинг хеч нарсани билмай ўлиб кетиши мумкинлигини тахмин килиш у ёқда турсин, тасаввур хам этилмасдим. Аник ёдимда, ахволи бир оз яхшиланиб, хавф чекиниб, сихати тиклана бошлагач, тез ва катъий хотиржам бўлдим. Устига-устак келажакимизни кўя туришга, маълум муддат оркага суришга, хозирги ахвол хакида кайгуришга аҳд килдим. Ха, ўшанда галати, ажиб бир холга тушдим, буни ўзгача ифода

этишим мушкул: мен галаба нашидасини сураётган эдим, шу ҳақда ёйлашимнинг ёйзиёк, мени номаълум хисларга чирмаб ташларди. Киш шу зайлда ёйтди. О, мен беҳад хурсанд эдим, умримда ҳеч вақт ёйнглим бу кишдаги каби хуш ёйлмаган.

Биласизми, ёйша воқеага қадар, яъни хотиним билан орамизда ҳалокат юз бергунгача ҳар кун, ҳар соат мени эзиб келган ҳаётимнинг обр ёйсизланишим ва полқдан кетишимга боғлиқ мудҳиш бир ташки жихати мавжуд эди. Икки оғиз с ёйз билан айтсам: менга нисбатан мустабидларча ноҳақлик қилинган. Т ёйгри, ёйртқларим оғир, балки, кулгили феълимни ҳазм қилишолмасди, мени ёймон қ ёйришарди, холбуки, қ ёйп холларда сиз учун буюқ, сизга илохий туюлган, сиз сигинадиган нарса айни ҳоғда атрофингиздаги ёйртқларингиз т ёйдасини қулдиради. О, мени ҳеч қачон, ҳатто мактабда ҳам яхши қ ёйришмаган. Мени ҳаммавақт, ҳар жойда ёймон қ ёйришган. Мени Лукерья ҳам ёйқтирмайди. Полқдаги воқеа, гарчи мени яхши қ ёйрмаслиқларининг оқибати эса-да, тасодифан содир ёйлган эди. Буларни эслашимга сабаб: ёйнингдан булут каби сузиб ёйтиб кетиши мумкин ёйлган турли сабабларнинг бемаъни ёйириқлашуви, юз бермаслиги мумкин ёйлган тасодиф туфайли ёйлиб кетишдан баттарроқ ранж-алам ёйқдир. Ҳар холда зиёли одам учун бундан ёйтадиган ҳ ёйрлик мавжуд эмас. Воқеанинг мағзи мана бу:

Театрда, танаффус пайтида емақхонага чиқдим. Гусар А-в икки гусар орасида, овозини баралла қ ёййиб – бу ерда офицерлар ҳам қ ёйп эди – полқимиз капитани Безумцев даҳлизда жанжал қ ёйтарганини гапира бошлади. Гап орасида «афтидан капитан гирт маст эди», деб қистириб ёйтди. Уларнинг бу мавзудаги гаплари узокка қ ёйзилмади, чунки Безумцевнинг мастлиги ёйлгон, даҳлиздаги «жанжал» жанжал дейишга арзимас ҳам эди. Гусарлар бошқа гапларга ёйтиб, тинчишди, аммо бу латифа эртасигаёқ полқимизга етиб бориб, шивир-шивир бошланди. Яъниким, гусар А-в, капитан Безумцев номини булғаётганда емақхонада полқимиздан факат мен бор эканман, мен унга танбех бериб т ёйхтатмабман. Ҳ ёйш, нима учун мен танбех беришим керак? Безумцевда алами ёйб лса – бу уларнинг шахсий ишлари, мен аралашиб нима қилдим? Офицерлар эса бу шахсий масала эмас, полққа бевосита алоқадор эди, деб топишди. Нима эмиш, емақхонада полқимиз офицерларидан биргина мен ёйлганим учун ҳам емақхонадаги жамоага, жумладан, барча офицерларга полқимиз шаънига ва ёйз гуруримга доғ тегишидан унча гашим қелмаслигини исботлаганмишман. Бу хулоса билан қелишим мумкин эмасди. Шунга қарамай, вақт ёйтган ёйб лса ҳам, ҳали қеч эмаслигига, ҳатоимни т ёйгрилашга, А-в билан муносабатимни ойдинлаштириб олишимга имқоният борлигига шаъма қилишди. Мен буни хохламадим, қаттиқ газабланганим туфайли, мағрурлик билан рад этдим. С ёйнг ёйша захоти истеъфога чиқдим – бор гап шу. Мен полқни мағрурона, аммо рухий қилпарчин ёйлган холда ташлаб чиқдим. Иродам заифлашиб, ақлан тубанликка ш ёйнгидим. Худди ёйқақишгандай ёйша пайтда синглимининг эри Москвадаги шинамгина мулқимизни, жумладан, ундаги менинг озгина улушимни ҳам буткул совуриб юборди: мен бир қачасиз, қ ёйчада қолдим. Мен хусусий хизматга ёйлланишим мумкин эди, хохламадим, офицерлар либосини ечиб қандайдир темир ёйлға боришни ёйзимга ор билдим. Уят ёйб лса – уят, шармандалиқ ёйб лса – шармандалиқ, тушқунлик ёйб лса – тушқунлик-да, қанча баттар ёйб лса, шунча яхши қедим. Мана шу баттарини танлаганимдан кейинги уч ёйилдан факат қайгули хотиралар қолган, бунинг ичида Вяземскийнинг уйи ҳам бор эди. Бир ярим ёйил муқаддам Москвада бадавлат қампир – қ ёйкантирган онам вафот этишидан олдин, сира қутилмаганда бошқа меросх ёйрлар қаторида менга ҳам уч минг с ёйм васият қилди. Мен

танамга ўйлаб кўриб, ўшандаёк ёзугимни белгиладим. Одамлардан тиланчилик килиб юрмай, гаров кассаси очишга ахд килдим. Пул бўлса бор, режам – бир бурчакни ижарага олиб – эски хотиралардан йироқда янги хаёт бошлаш эди. Колаверса, кайгули ўтмишим бутунлай барбод бўлган номус-орим мени хар дакика хар соат исканжага олиб турарди. Шундай ахволда уйландим. Бу тасодифми, йўқми билмайман. Аммо уни уйга бошлаб кираётганимда, дўстни олиб қиряпман деб ўйловдим. Чунки чин дўстга жуда-жуда зор эдим. Бирок мен бу дўстни хали маънан тайёрлаш, шакллантириш, хали мағлуб этиш лозимлигини аниқ-равшан билган эдим. Ўн олти ёшли кизга, нотўғри фикрларга кўмилиб ётган гўдакка буларнинг хаммасини бирданига тушунтириш мумкинмиди? Йўқ! Айтайлик, тўппонча билан боғлиқ ўша халокатли, тасодифий воқеа бўлмаганда ўзимнинг кўрок эмаслигимга, полкдошларим кўрок, деб ноҳақ айблаганига қандай ишонтира олардим. Бахтимга ўша халокат айнан вақтида юз берди. Тўппончага чаккамни хотиржам тутиб, буткул зулмат ўтмишимдан касос олдим. Бундан ҳеч ким хабар топмаса-да, у билди, менга шуниси керак эди, чунки у менинг борлигим, орзуимдаги келажагимнинг бор умиди эди. Менга ундан бошқанинг кераги йўқ, зеро, у келажагим учун тайёрланаётган ягона одам эди. Унинг бор ҳақиқатдан хабар топиши, ҳеч бўлмаганда ганимлар сафига барвақт, ноҳақ ўтганини билиши мен учун катта гап эди. Бу фикрдан фаҳрим тошарди. Энди унинг кўзига аблаҳ бўлиб эмас, балки галати одам бўлиб кўринаман: энди юз берган воқеадан кейин бу фикр мени аввалгидай гашимга тегади: хар холда галатилик айб эмас, аксинча, вақти келса, аёлнинг феъллиги ўтиради. Хулласи калом, ечимни атайин орқага сурдим. Бўлиб ўтган воқеа хотиржамлигим учун етиб ортарди. Орзуларим учун ранглар тўлиб тошганди. Орзуларимга ранг етарли дедим, у эса кутиб туради дедим: расволик ҳам худди шунда – хаёлпарастлигимда!

Бутун киш ниманидир кутиш билан ўтди. Ўзининг столчасига тирсакларини тираб ўтирган чоғида уни ўгринча кузатишни хуш кўрардим. У уйдаги майда-чуйда ишлар билан ўзини овуларди, кечалари жавонимдаги китоблардан олиб ўқирди. Жавондаги китобларнинг саралиги ҳам, назаримда менинг фойдамга хизмат қиларди. У деярли ҳеч қаерга чиқмасди. Хар куни овқатланиб олгач, кош қораймай туриб уни сайрга бошлардим, тоза хавода юрардик, аввалгидек оғзимизга талкон солиб олмасдик. Мен ўзимни жим эмасдай, бир-биримизга маъкул оҳангда гаплашаётгандай килиб кўрсатишга уринардим. Аммо айтганимдай, зоҳирий кўринишимиз билангина «ширин суҳбат» қурардик. Мен ўзимни атайин шундай тутардим, унга вақт бериш керак дердим, кизик, мен-ку унга зимдан қарашни хуш кўраман, нима учун у менга қарамайди, деган ўй бир марта ҳам хаёлимга келмабди. Мен буни ҳадиксирашдан деб билдим. Колаверса, касалликдан кейин унинг кўринишида қувватсизлик, журъатсиз бир маъсумалик аниқ зоҳир эди. Йўқ, қутгин, дедим ўзимга-ўзим, «унинг ўзи дафъатан олдинга келади...»

Бу фикр менинг кўнглимни гоят чоғ қилди. Очигини айтсам, баъзан ўзимни-ўзим атайин руҳан эзардим, қовулардим, гўё ундан хафа эканимга ўзимни-ўзим ишонтирмоқчи бўлардим. Бу маълум муддат давом этди. Менинг нафратим қалбимга илдиз отиб, мустаҳкамланиши мумкин эмасди. Бунинг шунчаки ўйинлигини сезиб турардим. Ўшанда қаравот ва парда-тўсик олиб келиб, никоҳни ўзимча бузганим билан, уни ҳеч қачон жинойатчи сифатида тасаввур қилолмасдим. Унинг айби бўйича енгилтаклик билан ҳукм чиқарганим бунга сабаб бўлолмасди. Йўқ, мен шунчаки, ўша дастлабки қуниёк, хали қаравот олмайёқ унинг гуноҳидан ўтишни лозим деб топган эдим. Бир сўз билан айтилса,

бу менинг гайриоддийлигим, тўгри, аммо хулкий коидаларга каттик эдим. Кўзим олдида у шунчалар маглуб этилган, енгилтак эди-ки, баъзан беихтиёр рахмим келарди, айна чокда хўрлаш гоёси дилимни яйратарди. Орамиздаги тенгсизлик ёкарди менга...

Шу киш мобайнида бир неча марта атайин яхшилик килдим. Иккита карздан буткул кечдим, бир бечора аёлга гаровсиз пул бериб юбордим. Бу ишларни хотиним билсин учун килмадим, бу ҳақда унга мутлако огиз очмадим: аммо аёлнинг ўзи деярли тиз чўкиб миннатдорчилик билдиргани келиб, меҳрибонлигимни ошкор килди. Назаримда, аёлга яхшилик килганимдан у мамнун бўлди.

Апрель яримлаб, баҳорнинг нафаси келиб колган эди. Кўштабака деразаларнинг кўча томонини олиб ташлагач, сокин хоналаримиз куёшнинг ёркин шуълаларига йўрилди. Аммо каршимда калин булут катлами турганидан, аклимни коронгилик пардасига ўраётганидан беҳабар эди. Мудхиш ва машъум катлам эди бу! Катлам қандай йўколди кўзим қандай очилди, аклим қандай пешланиб, воқеаларни қандай фахм эта бошладим? Тасодиф юз бердим, хал килувчи куннинг келиши бирдан тезлашдим, куёш нурлари ўтмаслашиб колган аклимда фикр ва идрокимни уйготдим? Йўқ, фикр ҳам, идрок ҳам мутлако алоқасиз бу ерда. Юрагимда ўла бошлаган томирчалардан бири тўсатдан тирилди, бир титради-ю, хаётга қайтди ва калбимдаги зим-зиёликни, зим-зиёда яшириниб ётган мени йўлдан ураётган мағрурлик шайтонини ёритди. Бу кутилмаганда, тўсатдан, окшом арафасида, овқатдан кейин, соат бешларда содир бўлди... ўрнимдан сапчиб турдим...

КОРА КАТЛАМ ТЎСАТДАН ЙЎКОЛДИ

Максадга ўтишдан аввал эътиборингизни бошқа нарсага тортаман. Бир ой муқаддам унда галати ўйчанлик пайдо бўлганини, ха, ха, сукут саклаш эмас, айнан ўйчанликни тўсатдан сездим. У тикиш билан машгул бўлиб, бошини эгиб ўтирар, тикилиб турганимни билмасди. Ана шу дамда унинг беҳад озиб, чўп бўлиб колгани, рангида ранг колмагани, лабларидан кон кочгани – буларнинг бари ўйчанлигига кўшилиб мени фавқулудда саросимага солди. Аввал эътибор бермаганим, айникса, тунлари енгил йўталиб кўйиши энди кўнглимда гулгула уйготди. Унга ҳеч нима демай, доктор Шредерни чакиргани кетдим.

Шредер эртасига келди. У докторни кўриб, бир менга бир Шредерга хайрон бўлиб қаради.

- Мен соппа-согман, - деди жилмайишга ҳаракат қилиб.

Шредер уни дурустрок хам кўрмади (умуман бу доктор зоти баъзан хаддан ташкари беъътибор бўлади), кўшни хонага чикканимизда буларнинг хаммаси касаллик окибати экани, бахорда имкон тугилса денгиз томонга борилса, йўкса, чорбокка чиқилса дуруст бўлажагини айтди. Хуллас, хали бемадорликдан кутулмаганини айтгани дейилмаса, дори-дармон тугул тайинли маслахат бермади. Шредер кетгач, у менга каттик тикилиб туриб, ўша гапини яна такрорлади:

-Мен соппа-согман.

Шундай деди-ю, уятданми, кизариб кетди. О, буни энди фахм этияпман: у хали хам эри эканимдан, хакикий эри каби парвона бўлаётганимдан уялган. Мен галварс ўшанда буни тушунмаганман, ройишга йўйганман. (Кора катлам!)

Нихоят, орадан ой ўтгач, апрелнинг куёшли кунларида, соат бешларда, ҳисоб-китоб билан ўтирган чоғимда, кўшни хонадан унинг овози келди... У... шикаста овозда хиргойи киларди. Бу янгилик мени ларзага солди – хали-хали ўзимга келолмайман. Шу пайтгача, уйга янги бошлаб келган кунларим, тўппонча отиб шўхлик килган дамларимизни ҳисобга олмаганда, унинг ашула айтганини эшитмаганман. Унда овози асабийрок туюлса хам, жуда ёқимли, соғлом, каттик жарангдор эди. Эндиги кўшиқ жонсиз эди, о, йўк, буни мунгли кўшиқ деб бўлмасди кандайдир романс эди у, аммо унинг овози алланечук дарз кетган, синган, гўё у эмас, балки ашуланинг ўзи хаста-ю, овози унга жон киритишга ожиз эди. У хиргойи киларди, бирдан овози кўтарилди-ю, узилди – хаста овози – ачинарли тарзда узилди, йўталиб олиб, яна секин-секин, аста-аста хиргойисини бошлади.

Хаяжонимдан куладилар, барибир ҳеч қачон, ҳеч ким хаяжонланишим боисини тушуна олмайди. Йўк, хали унга ачинмас эдим. Мендаги туйғу мутлако бўлакча эди. Дастлаб, аниқроғи, дастлабки дақиқаларда дахшатли ва галати, оғрикли ва хатто касосга мойил туйғу, таажжуб ва хайратда қотдим: Нима бу: «Менинг борлигимни унутдимиз? Менга эътиборсиз қуйлаши нимаси!».

Вужудимни изтироб изканжасига топшириб, жойимдан жилмай ўтирдим, кейин бирдан ўрнимдан туриб, нима қилаётганимни ўзим хам билмаган ҳолда, шляпамни олиб ташкарига йўналдим. Қайсика, нима учун отланганим ўзимга хам номаълум эди. Лукерья пальтомни узатди.

- Ашула айтяптими? – сўрадим Лукерьядан беихтиёр. Лукерья тушунмади, ажабланиб қаради: шу тобда менга тушуниш чиндан хам мушкул эди.

- Биринчи марта ашула айтяптими?

- Биринчи эмас, сиз йўқлигинизда баъзан айтарди, - деб жавоб берди Лукерья.

Хаммаси аниқ эсимда. Зинадан пастга тушдим, кўчага чиқдим, кейин бошим оккан томонга юрдим. Муюлишгача бориб, тўхтадим, атрофга алангладим. Одамлар оқими орасида қолган эдим, туртиб ўтсалар хам сезмасдим. Извошчини чакириб, Полиция кўпригига ҳайда, дедим. Сўнг, бирдан фикримдан қайтиб унинг кўлига бир танга

тутказдим.

- Сени безовта килганим учун, - дедим извошчига маъносиз кулиб. Бирок юрагимда тўсатдан кандайдир завк уйгонди.

Кадамимни тезлатиб, уйга кайтдим. Калбимдаги дарз кетган, узилай-узилай деб турган бечора торлар бирдан созланиб, жаранглади. Энтикиб, кетдим: кўз олдимдаги кора катлам йўқоларди, йўқоларди! Мен боримда мени унутиб куйлабдим – энг кўркинчли ва аник-равшан хакикат шу эди. Буни юрагим сезиб турарди. Калбимдаги шавк тобора тўлиб, кўркинчли сиқиб чиқарарди.

О, такдирнинг шўри-гавгоси! Ахир бутун киш бўйи вужудимда шу шавкдан ўзга ҳеч нима йўқ эди, бўлиши ҳам мумкин эмасди-ку, мен қаерда эдим? Мана шу калбим билан яшар эдим-ми? Зиналардан шошилиб, югуриб чиқдим, бирок ичкарига журъат билан кирдим-ми, билмайман. Оёқларим ости тўқкин ургани, ўзимни гўё дарё узра енгил сузиб юрганымнигина эслайман. Хонага кирдим: у ўша жойида бир нимани тикиб ўтирарди, кўшиқ айтмасди. Мен томон кизикишсиз югурук караб олди, буни хатто караш деб ҳам бўлмайди, одатда хонага бирор кимса кирса мана шундай одатий, эътиборсиз ҳаракат қилинади.

Мен мияси айниган одамдай тўғри келиб унинг ёнига ўтирдим. У кўрқиб кетгандай менга тезгина каради: мен эса унинг кўлини олиб нимадир дедим, нималиги эсимда йўқ, тўғрироғи нимадир демокчи эдим, аммо ўша ахволда бир сўзни эплаб айтишга қурбим етмасди. Овозим ўзимга бўйсунмай, сўзлар чала ярим отилиб чиқарди. Ҳа, нима дейишни билмас эдим, нукул энтикардим.

- Гаплашиб... олайлик... биласанми... нимадир дегин... - тўсатдан отилиб чиққан бу сўзлар тентакнамо эди, тан оламан, бирок ўша топда аклли гап айтадиган ахволда эмасдим.

У юзимга каради, сесканди, кучли бир кўрқинч билан ўзини четга олди кўзларида катъий ажабланиш зоҳир бўлди. Ҳа, ажабланишида катъийлик бор эди, у менга катта-катта кўзлари билан боқарди. Бу катъийлик, бу катъий ажабланиш мени бир хамладаёқ буткул мажаклаб ташлади. У индамаган бўлса-да, бу ажабланишида «Хали сен муҳаббат истаяпсанми? Муҳаббат керакми сенга?» деган савол жарангларди. Йўқ, мен бу сўзларни ўқиб олдим, хаммасини ўқидим. Аъзойи баданимга титроқ югурди, ўзимни тутолмай оёқлари остига шилк этиб тушдим. Ҳа, мен оёқлари остига куладим. У ўша захоти сапчиб тушди, аммо мен бор кучим билан кўлларида ушлаб қолдим.

Рухий тушқунлигимни мен яхши англаб турардим, жуда яхши англадим. Хох ишонинг, хох ишонманг, юрагимдаги шавк шу қадар қайнардики, хатто ўлиб қоламанми деб ҳам ўйлардим. Мен – бахтдан маст бўлган, лаззатдан хушини йўқотган одам унинг оёқларини ўқидим. Ҳа, ҳа, бу беҳисоб: беҳудуд бахт эди, рухий тушқунлигимни англаган ҳолда бахтга йўқрилган эдим. Мен йиглардим, нималардир дердим, аммо гапира олмасдим. Ундаги кўрқув ва хайронлик ўрнини бирдан кандайдир ташвишли фикр, фавқулодда савол эгаллади: энди менга галати, хатто ёввойи караш қилди, у ниманидир тезроқ тушуниб

етиш истагида кулимсиради. Оёкларини ў паётганимдан хаддан ташкари уяларди, оёкларини тортиб оларди, аммо мен хозиргина оёги турган ерни ў пардим. Ахволимни кўриб уятдан кула бошлади. (Уятдан кандай кулишларини кўрганмисиз?) Асабдан кўллари титради. Буни кўрдим. Аммо мулохазага чоғим келмади, довдираб, нукул севишимни, ўрнимдан турмай «бир умр тиз чўкиб унинг хакига ибодат қилишимни» айтардим... «кел, кўйлақларингдан бир ўпай...» Билмадим, эсимда йўқ... бирдан у титраб кетди, уввос тортиб йиғлай бошлади; мен уни кўрkitиб юборган эдим, тутканоги тутди.

Уни кўтариб тўшаққа олдим. Хуруж кўйиб юборгач, қаддини кўтариб эзгин бир ахволда тўшаққа ў тирди-да, кўлларимни ушлаб, тинчланишимни сўради: «ўзингизни қийнаманг, бас, етар, тинчланинг» - менга “тинчланинг” деб, ўзи йигини бошлади. Кечаси билан ёнидан жилмадим. Овози хаста эканини, буни яқингинада ўзим эшитганимни икки хафтадан сўнг Булонга, денгиз соҳилига олиб кетажагимни, қассани ёпиб, Добронравовга сотажагимни, хаммаси янгитдан бошланажагини, энг мухими Булон, Булонга кетажагимизни гапириб чиқдим. У индамай, аммо хадик билан эшитиб ётди. Гапирганим сари хадиги остида ётиш, оёкларини ўпиш, оёқлари турган ерни ўпиш, унинг қаршисида тиз чўкиб, ибодат қилиш истаги бутун кудрати билан вужудимга ҳукм ўтказарди. «Сендан бошқа ҳеч нимани, ҳеч нимани сўрамайман, менга жавоб берма, бор-йўқлигимни билмасанг ҳам майли, факат бурчакдан ўгринча қарашимга изн бер, мени бирон бир буюмингга, майли, кучукчангга айлантириб ол»... бу гапни неча қайта такрорладим. У эса йиги билан жавоб қайтарди.

-Мени шу ҳолда ташлаб кўясиз деб ўйлабман, - бу гап унинг бўғизидан бирданига ва беихтиёр отилиб чиқди. Хатто кандай айтиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. О, унинг бу сўзлари – мен учун ҳал қилувчи, энг мухим, ўша тун айтилган сўзлар ичра энг тушунарлиси – юрагимни пичок янглиг тилиб юборди. У хаммасини тушунтириб берди, ўшанда ёнимда, кўз олдимда эди, бундан умидим уфқи ёришиб турарди, бахтим ҳам беҳад эди. О, ўша кеч уни жуда толиқтирдим, буни билиб турсам-да, хаммасини қайта қуришни бетўхтов ўйлардим. Тун окканда бутунлай ҳолдан тойди, ухлашга кўндирдим, у тезда, каттик уйкуга кетди. Алахсирармикин деб қутдим, енгилгина алахсиради. Тун бўйи дам-бадам туриб, унга қараш учун шиппақда овоз чиқармай юриб келардим. ўшанда уч сўмга сотиб олган темир қаравотга, ундаги тўшаққа, тўшақдаги бу бечора, хаста зотга қараб юзларимни юлиш даражасида афсус-надомат чекардим. Тиз чўқардим, аммо (унинг руҳсатисиз!) ухлаб ётган чоғида оёкларини ўпишга журъат этолмасдим. Худога ибодат қилгали тиз чўқардим, аммо тез орада туриб кетардим. Лукерья ошхонадан чиқиб, мендан тез-тез хабар оларди, мен унга қириб ётавериши мумкинлигини, эртага бутунлай ўзга ҳаёт бошланишини айтдим.

Мен шундай бўлишига кўр-кўрона, телбаларча, ашаддий ишонар эдим. О, шавк, факат шавк бодасидан лаззатланардим мен! Мен факат эртанги кунни кутардим. Энг мухими, баъзи бир белгиларга қарамай, фалокатга ишонмас эдим. Кўз олдимдаги қора қатлам йўқолган бўлса-да, идроким тиниклашмаган. Идроким узок вақт, жуда узок, то бугунги кунгача тиниклашмади. Қандай тиниклашсин, ахир унда у тирик эди, у менинг рўпамда, мен эсам унинг қаршисида эдим. «Эрталаб уйгонганда хаммасини айтаман, у хаммасига ўзи шохид бўлади». Менинг ўша топдаги фикр-ўйларим шу – оддий ва равшан эди,

шавким хам шундан т оларди! Мухими – Булон, нимагадир, Булон бор-й гимизни хал килади, Булонда такдиримиз згача чирой очади, деб йлардим. «Булонга, Булонга», юрагим шундай тепарди. Мен тонгни телбаларча орзикиб кутардим.

ХАДДАН ЗИЁД ТУШУНАМАН

Ахир бу бир неча кун, беш кун, атиги беш кун аввал, олдинги сешанбада бўлган эди! – Яна озгина вақт, яна заррача чидаганда мен атрофимиздаги коронгиликни таркатиб юборардим! Нахотки тинчлана олмасди? Ахир эртасигаёк, бир оз саросимага карамай, гапларимни кулиб эшитган эди-ку... Мухими, бу вақт давомида, беш кун мобайнида парокандалик ё уятдан сикиларди. Кўркарди хам, жуда-жуда кўркарди. Бахслашиб тирмайман, тентакларга хшаб з гапимга зим карши хам бормайман: кўрқув бор эди, ахир шу вазиятда қандай қилиб кўрқмасин? Ахир жуда узок вақт бадалида бир-биримизга бегоналашиб қолувдик-ку, бир-биримиздан бу қадар узоклашиб, қутилмаганда... Аммо мен ундаги кўрқувга карамадим, чунки янгилик барқ уриб қелмоқда эди!.. Хатога йўл қўйганим тўғри, минг-минг маротаба тўғри. Балки бир эмас қўлаб хатога йўл қўйгандирман. Бундан хам бўйин товламайман. Эртасига (яъни чоршанба куни) уйғонишимиз билан хатога йўл қўйдим: уни бирданига зимга дўст деб билдим. Мен шошилдим, беҳад шошилдим, бироқ тавбам зарур эди, истиғфор қелтириш ҳар нарсадан зарурроқ эди. Мен ҳатто бир умр зимдан яширган сирларимни хам ошқор этдим. Бутун қиш бўйи унинг муҳаббатига умид боғлаганим очилди. Гаров қассаси риёзат чекиш оқибатида иродам заифлашуви, онгим тушқунлиги туфайли тугилган худбинларча шахсий гоём эканини тушунтирдим. Шанда театр емақхонасида чиндан қўрққанимни, аммо дуэлдан эмас, з феълимдан, з бадгумонлигимдан қўрққанимни, аниқроғи, емақхонадан, вазиятдан лол қолганимни, гусарни дуэлга чақиришим бошқаларга бемаъни бўлиб туюлмасмикин, деган ҳаёлда гумонсираганимдан, дуэлдан эмас, айнан шу гумондан чўчиганимни, сўнг бу қўрққанимни бўйнимга олмай ҳаммани, ҳатто уни азобга қўйганимни, уни азобга қўйиш учун хам уйланганимни айтдим. Умуман гапларимда тартиб йўқ эди, гўё иситма аралаш валақлардим. Унинг ўзи қўрққанимдан ушлаб, бас қилишимни сўрарди: «Сиз ошириб юборяпсиз, сиз ўзингизни қийнаёпсиз» - шундай дерди, кейин қўз ёши бошланарди, тутқаноғи тутишга оз қоларди! У хотираларимга нукта қўйиб, гапирмаслигимни илтижо билан сўрарди.

Унинг илтимосларига қарамасдим, ёки қам эътибор берардим. Ахир олдинда – баҳор, қуёшли Булон! У ерда бизни янги қуёшимиз қутяпти – буларни гапирмай бўладими! Қассани ёпиб, ишни Добронравовга оширдим. Чўқинтирган онамдан қолган уч мингдан ташқари бор будимизни муҳтожларга улашиб, ўша уч мингга Булонга бориб қелгач, янги ҳаёт бошлаб, пешона тери билан тирикчилик қилишни тақлиф этдим. Шунга қелишдик,

чунки у таклифимни жавобсиз колдирди, факат жилмайиб кўйди. Назаримда, мени хафа килмаслик ниятида, кўнги учун жилмайди. Унга огирлигим тушаётганини кўрдим. Мени буни кўрмайдиган даражада тентак ва худбин деб ўйламанг. Мен хаммасини, сўнги чизикчасигача кўрдим, кўрганда хам бошкалардан аниқроқ кўрдим: менинг барча изтиробларим шундай кафт устида эди.

Мен унга ўзим хақимда, у хақда ва Лукерья тўғрисидаги хамма гапни айтдим. Йиглаганимни айтдим... О, баъзан гапни чалгитдим, баъзи нарсаларни эслатмасликка харакат килдим, хатто у бир-икки жонланди, эсимда, аниқ эсимда! Нима учун караб туриб хеч нимани кўрмагансан, деяпсиз? Ахир бу содир бўлмаганда хаммаси кайта тирилди. Ахир учинчи куни сухбатимиз чогида, киш бўйи ўқиган китоблари хақида гап кетганда Жиль-Блаз билан архиепископ Гренадский орасидаги можарони эслаб, кула-кула айтиб берган эди-ку! Кулгиси худди калликлик давридагидек (о, у онлар!) нақадар муноси, мулойим эди, бунда менинг кувончим чекини чамалаб бўлмасди. Архиепископ можаросини эшитиб, хайратга тушдим: каранг, ўша кишда ўтирган чогида дурдона асардан лаззатланишга, кулишга рухий хотиржамлик ва бахтли онлар топа билибди-да! Демак, у шу холда ташлаб кўйишимга ишонч хосил килиб, овуна бошлаган экан. «Мени шу холда ташлаб кўясизми, деб ўйлабман» - ўша куни, сешанбада шундай деди! О, ахир бу ўн ёшли кизалокларнинг ўйи-ку! Демак, у хамма нарса шу холда қолишига ишонган, тўла ишонган: яъни у ўз столида, мен ўзимникида ўтираман, шу зайлда олтмиш ёшимизга қадар айримиз... Бирданига, хеч қутилмаганда мен тиз чўкаман, мен – эр, мухаббатга мухтожман! О, бу менинг хатоим, бу менинг ожизлигим эди!

Унга шавк билан қарашим хам хато эди; ўзимни тутишим лозим эди, чунки шавким уни кўрқувга соларди. Ахир мен ўзимни тутиб хам олдим, оёқларини бошка ўқмадим. Хатто бирор марта бўлсин унга.. эр эканлигимни шама қилмадим, бу хатто хаёлимга хам қелмади. Мен факат ибодат қилдим, ха, ибодатдан бошқасини ўйламасдим. Ахир бутунлай гапирмаслик, сукут сақлаш хам мумкин эмасди! Гапларидан лаззат олишимни, унинг ўзимга нисбатан чексиз, ха, чексиз билимдон ва етук эканини хам яширмадим. У кизариб кетди, ноқулай ахволга тушиб, «ошириб юборяпсиз» деди. Ана шунда, мен ахмоқ қалла, ўзимни тутолмай, эшик ортида писиб унинг олишувини, боқиралик билан махлук орасидаги олишувни тинглаганимни, болаларча оққўнги бўлган холда ақли, зарофати шуъласи, менга беҳад лаззат бағишлаганини айтиб юбордим. У сесканиб, бутун вужуди титраб кетди, яна ошириб юборяпсиз демокчи бўлди-ю, бирдан чехрасига қайгу югурди, юзини кўллари билан тўсиб хўнграб юборди... Мен яна ўзимни тутолмадим, яна йикилиб оёқларини ўпа кетдим. ўтган сешанбадаги қаби тутканок билан яқунланган бу воқеа кеча кечқурун содир бўлди. Эрталаб эса...

Эрталаб!? Тентак, эрталаб бугун эди, бугун эртага эди, яқинда, яқинда эди...

Яхшилаб тинглаб, уқиб олинг: яқинда (кечаги жазавадан кейин) чойга ўтирганимизда у ўзининг хотиржамлиги билан мени лол қолдирди. Ха, шундай бўлди. Мен эсам туни бўйи кечаги воқеа туфайли кўрқувдан типирчилаб чиккан эдим. Бирдан у менга яқинлашди, тиз чўқди, кўллари ковуштириб (яқинда, яқинда-я!) ўзининг жиноятчи эканини, буни яхши билишини, жинояти киш бўйи азоб берганини, азоб исқанжасидан хали хам

кутулмаганини... олижаноблигимни чексиз кадрлашини айтди: «вафодор хотинингиз б^о ламан, сизни эъзозлайман...» Шунда мен сапчиб туриб уни телбаларча кучоклаб олдим! Уни ^о па кетдим, юзларидан, лабларидан ^о пдим, узок айрилиқдан кейин кайтган эр мисол ^о пдим. Шундан кейин нимага кетдим-а, икки соатгагина... хорижий паспортлар оркасидан... Э, худо, беш дакикагина, беш дакика олдин кайтсам б^о лмасмиди? Дарвозамиз олдидаги оломон, уларнинг нигохлари... Э, худо!

Лукерьянинг айтишича (о, мен энди Лукерьяни сира к^о йиб юбормайман. У хаммасини билади, бутун киш б^о йи у билан бирга б^о лган, энди менга хикоя килиб беради!), мен уйдан чиккач, кайтишимга бор-й^о ги йигирма дакика колганда хонамизга кирган, бойвучадан ниманидир с^о рамокчи б^о лган, нималиги эсимда й^о к, кириб караса-ки, унинг иконаси (хов ^о ша, гаровга келтирган, Биби Марьям иконаси) накшиндор копламадан чикарилган, стол устида турибди, бойвучча худди хозиргина сажда килгандай... “Сизга нима б^о лди, бойвучча?” – «Хеч нима, Лукерья боравер.. Т^о хта Лукерья». Якинлашиб ^о пибди.

-Бахтлимисиз, бойвучча? – деб с^о рабди. «Ха, Лукерья». – Аллақачонлар сиздан узр с^о рашлари керак эди... Худога шукр, ярашиб олдинглар. – «Яхши, Лукерья, бор, боравер Лукерья» - шундай деб жилмайибди, жуда галати жилмайибди. Шу даражада галати жилмайибдики, Лукерья ^о н дакикадан с^о нг хабар олиш учун яна изига кайтибди. «У шундай дераза олдида, тирсаги билан деворга суяниб, бошини к^о лига к^о йиб, ^о йланиб турибди. Жуда каттик ^о йга толганидан к^о шни хонага кирганимни, тикилиб колганимни сезмади. Карасам, жилмаяётганга ^о хшади, турган холича ^о йлаб жилмайгандай б^о лди. Унга караб туриб-туриб, оркамга ^о гирилиб, секин чикдим. Энди ^о зимча ^о йга толгандим, дераза очилгани эшитилди. «Бойвучча, хали хавонинг захри бор, шамоллаб колманг» дегани кириб, карасам – у деразада турибди. Очик деразада бутун б^о йи-басти билан менга оркасини ^о гириб турибди. К^о лида Биби Марьям. Юрагим узилиб тушди. Жон холатда «Бойвучча, бойвучча!» деб кичкирдим. У овозимни эшитди, ^о гирилмокчи эди, ^о гириллмади, ташкарига караб кадам к^о йди, Биби Марьямни к^о крагига босиб, ^о зини деразадан ташлади».

Мен факат бир нарсани яхши эслайман: дарвозадан хатлаб ^о тганимда у хали совуб улгурмаган эди. Мухими – хамманинг к^о зи менда. Аввалига бакираётган эдилар, кейин бирдан жимиб колдилар. Оломон икки томонга сурилиб й^о л очилди ва... уни Биби Марьямни кучоклаган холда к^о рдим. Гира-шира эслайман, унга жимгина якинлашдим, узок тикилдим, чекинаётган оломон ичидан менга нималардир дейишди. Лукерья шу ерда экан. Мен билан гаплашганмиш. Факат мешчан ёдимда, у нукул тошдаги конни к^о рсатиб: «огзидан бир ховуч кон чикди, бир ховуч! Бир ховуч!» деб бакирарди. Мен, афтидан, конга бармогимни теккиздим, конга буланган бармогимга карадим (бу эсимда), мешчан эса нукул «бир ховуч, бир ховуч!» деб бакирди.

-Бир ховучинг нимаси! – деб кайнаб кетибман, бор кучим билан унга ташланибман.

О, вахшийлик, вахшийлик! Англашилмовчилик бу! Ножоизлик, ақлга т^о гри келмайдиган хол бу!

АТИГИ БЕШ ДАКИКАГИНА КЕЧИКДИМ

Нот қ грими? Хакикатга т қ гри келмайдими? Жоиз дейиш мумкин эмасми? Бу аёл нимани деб, нимага қ лди?

О, ишонинг. Тушунаман, аммо унинг нима учун қ лгани муҳим муаммо. У менинг мухаббатимдан к қ рқди, кабул килсамми, килмасамми, деб қ зидан-қ зи жиддий с қ ради, охир саволига жавоб тополмай, қ лимни раво к қ рди. Биламан, биламан, бош котиришнинг хожати й қ к ваъдаларни керагидан ортикча бериб юборди, ваъдага вафо килолмаслигини билиб к қ рқди – бу равшан нарса. Бу ерда ниҳоятда мудхиш б қ лган бир неча вазият бор. Хархолда “у нима учун қ лди?” - деган саволга қ рин бор. Бу савол бетиним тикиллаяпти, айнан менинг миямда тикиллаяпти. Агар у шу холда қолишни истаганда, мен уни шу холда колдирардим. У эса бунга ишонмади, мана гап қаерда! Й қ к, й қ к алдаяпман, гап бу ерда эмас. Масала оддийрок, мен билан халол муносабатда б қ лиши керак эди; севадиган б қ лса бутун жону тани билан севиши лозим, бакколга инъом этиши мумкин б қ лган севги менга мутлако керак эмасди. У бакколга лозим б қ лгани учун ҳам мени алдаб юришни истамади. У севги никоби остида ярим севги ёки чорак севги билан мени лакиллотишни хохламасди. Хаддан ташкари бокира эди, мана гап қаерда! Калб кенглигини жорий этмокчи эди, эсингиздами? Галати фикр...

У мени хурмат килармиди? Буни қ лардай билгим келяпти. Мендан нафратланармиди ёки й қ кми? Қ йлашимча, нафратланмасди. Гоят таажжубланарлиси шундаки, мендан нафратланармиди, деган савол бутун киш б қ йи калламга келмабди. Мен унинг нафратидан холи эканимга с қ нгги дакикагача, менга катъий ажабланиш билан, айнан катъий карагунга қадар олий даражада ишонардим. Ана шунда мен унинг нафратланишини тушундим. Абадулабад, умрбод англадим! Ох, майли эди, бир умр нафратланса ҳам майли эди, мен учун тирик б қ лса, тирик юрса бас эди! Яқиндагина юрувди, гапирятувди. Қандай қилиб деразадан ташлади, сира аклим бовар килмаяпти. Хатто беш дакика олдин ҳам буни тасаввур эта олмасдим. Лукерьяни чақирдим. Энди уни сира қ йиб юбормайман, сира! О, биз хали тил топишимиз мумкин эди. Биз фақат киш б қ йи дахшатли равишда бегоналашиб колдик, ахир яна яқинлашувимиз мумкин эди-ку? Яна меҳр нуктасида учрашиб, янги хаёт бошлашимиз нахот, нахот мумкин эмасди? Мен олижанобман, у ҳам – учрашув нуктамиз шундан иборат! Яна икки кунгина, к қ п эмас, чидаса, яна бир неча с қ з билан хаммасига тушуниб етарди.

Муҳими, бу ходиса – оддий, ёввойи, жохил ходиса ана шуниси алам қилади. Шундан дилим огрийди! Беш дакика, бор й қ ги, бор й қ ги, беш дакика кечикдим! Беш дакика олдин келганимда хаммаси булут қаби сузиб қ тиб кетарди, бу иш кейин хаёлидан к қ тариларди. Хаммаси унинг тушуниб этиши билан яқунланарди. Энди эса яна б қ ш хоналар, яна ёлғизлигим... Ана соат қапгири тикиллаяпти, унга нима, раҳм, шафқат деган нарсани билмайди. Энди ҳеч ким й қ к – ранжу алашим ҳам шу!

У хонадан бу хонага сарсари кезаман. Биламан, биламан, айтмай қ қ яқолинг,

тасодифдан, беш дакика кечикканимдан зорланишим сизга кулгили туюляпти. Аммо аён хакикатни тан олгингиз келмаяпти. Ё зингиз ё йлаб кўринг: у бошқалар каби хатто «ё лимимда хеч кимни айбламанг», деган икки энлик хатча ҳам колдирмабди. «У билан сен ёлгиз колган эдинг, деразадан итариб юборгансан», деб хатто Лукерьяни сарсон килишларини нахот ё йлаб кўрмаган бўлса! Агар ховлидаги тўрт киши унинг деразада Биби Марьямни кучоклаб турганини, сўнг ё зини ташлаганини кўришмаганда, айбсиз бўлишимизга карамай, тоза саргардон килишарди. Ахир одамларнинг туриши, ходисага гувоҳ бўлгани ҳам тасодиф-ку! Йўқ, буларнинг барчаси – лахза, гайришуурий лахза. Ногахонийлик ва бежилов хаёл! Хўш, икона каршисида ибодат қилган бўлса нима? Бу ё лим олдида тавба қилди, деган гап эмас-ку! Хаммаси бир лахзагина давом этган. Балки қандайдир ён дакика ичида – деворга суяниб, бошини кўлига кўйганича жилмайган пайтида бир қарорга келгандир. Қалласига шу хаёл урилгану боши айланиб, бу қарор каршисида ё зини тута олмаганми?

Хох истанг, хох истаманг, бу ерда қандайдир тушунмовчилик бор. Мен билан яшаши мумкин эди. Қамқонлик бўлса нима қипти? Қамқонликдан, силласи қуриб хаётий қувватнинг тугаганидан дейсизми? Йўқ, у киши билан чарчади, мана гап қаерда...

Кечикдим!!!

Тобутда ётганда бунчалар хипча, бурни бунчалар сўппайиб қолмаса! Киприклари қамон ёқлари каби ётибди. Йикилиши ҳам беозоргина бўлган – хеч ери синмаган, ёрилмаган. Фақат шу «бир ховуч қон». Яъни бир қошиқ дегани. Ич-ичидан қалққан. Ажиб фикр: қўлмаслик мумкин бўлганда эди? Уни олиб кетишгач, унда... о, йўқ, олиб кетиш мумкин эмас! О, ахир мен олиб кетишлари лозимлигини биламан, мен телба эмасман, алахсираётганим ҳам йўқ, аксинча, ақлим хеч маҳал хозиргидай ойдинлашмаган. Мен бир нарсани хазм қила олмаяпман: яна уйда хеч ким қолмайдими, яна хайхотдай бу хоналарда гаровга қўйилган буюмлар билан ёлгиз яшайманми? Алахсираш, алахсираш, мана алахсираш қаерда! Мен унинг силласини қуритдим мана гап қаерда!

Энди қонунларингизни бошимга урамани? Энди одатларингиз, таомилнингиз, хаётингиз, давлатингиз, динингизни сарик чакага олмайман. Майли, мени сизнинг хақамингиз сўроқ қилсин, майли мени ёша судга, очик судингизга бошлаб боринг, хеч нимани тан олмаслигимни ёша ерда ҳам айтаман. Хақамингиз «Жим бўлинг, офицер!» деб қичкиради. Мен эсам унга: «Мени қулоқ осигга мажбур этувчи қудратинг қани? Нима учун бу зим-зиё жаҳолат мен учун ҳамма нарсадан қадри бўлган нарсани мажаклади? Қонунларингиз менга нимага қерак? Менга энди бегона булар!» деб бақираман. О, энди менга бари бир!

Ожиз, ожиз! Жонсиз у, эшитмайди! Сенга қандай жаннат яратиб берардим, билмайман. Жаннат қалбимда эди, чор атрофингни жаннат билан ёрардим. Сен мени бари бир севмас эдинг, хўш, нима қипти? Хаммаси ёша қолда бўларди, ёша қолда қоларди. Дўстга гапириб бергандай гапирардинг менга – бир-биримизнинг қўлимизга тикилиб қувонардик, қулардик. Шундай яшардик. Бошқани севиб қолсангми? Майли, рози эдим! Сен у билан юриб қулардинг, мен бўлсам қўлчанинг бу бетиде туриб қузатардим... О, фақат бир мартагина қўзини очса, хаммасига рози эдим! Бир лахза, фақат бир лахза (!)

менга караса эди, худди якингинада олдимга келиб вафодор хотин бўлман, деб касам ичаётгандай бир караса эди! О, бир карашдаёқ хаммасини англади эди!

Жаҳолат! О, табиат! Ер юзидаги одамлар ёлғизлар – алам киладигани шу! «Майдонда тирик жон борми?»- деб кичкиради, рус пахлавони. Пахлавон бўлмасам-да, мен ҳам кичкираман – ҳеч ким жавоб бермайди. Куёш одамга жон беради, дейдилар. Куёш чикканда унга бир каранглар – ахир у қилик эмасми? Хамма нарса қилик, хамма ерда жонсиз мурдалар. Фақат одамлар, атрофларини сукут қилган – Ер шундан иборат. «Одамлар, бир-бирингизни севинг!» Буни ким айтган!? Кимнинг қилгани? Соат қапғири унсиз, нафратни қозғатадиган даражада тикиллайди. Тун оғди – соат икки. Ботинкачалари каравоти олдида турибди, гўё бекасини кутяпти. Йўқ, жиддий айтяпман, эртага уни олиб кетишгач, мен нима киламан?

1876.

Изоҳлар:

*«Ёзувчи кундалиги» назарда тутилаётган бўлса керак. Ф.М.Достоевский 1873-74 йилларда «Гражданин» журнаliga муҳаррирлик қилиб, ҳар ойда «кундалик»ларини эълон қила бошлаган. 1876-77 йилларда давом эттирган. «Маъсума»нинг ёзилиш вақти худди шу даврга таърифи келади. (Тарж.)

*Хам оқлашим, ҳам қоралашим маъносида (лотинча)

*Инглизчасига (франц.)

*XIX аср инглиз файласуфи, утилитаризм тарафдори назарда тутилган бўлса керак. (Тарж.)

*Ишқий учрашувга (франц.)

Тохир Малик таржимаси